



# ПОСТДА

Ўзбекистон Республикаси Миллий Китоб Палатаси  
Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ГАЗЕТА 1930 йил 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2005 йил 22 сентябрь, пайшанба • 38 (3619)-сон

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

### 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 9400 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 18605 сўм;

бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 9400 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 18605 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобиданги корхона ва ташкилот-

лар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 14 сентябрь.

## СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг дастлабки терговда яқунланган қисмига биноан 15 нафар айбланувчига нисбатан тергов яқунларини кўриб чиқиш бўйича очик суд мажлиси бошланди.

Мазкур жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигидаги Олий суд судьялари Воҳид Назаров, Йўлчибой Турсунбоевдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Иш бўйича раислик қилувчи Б.Жамолов суд мажлисини очди ва судланувчилар Собиров Мўйдин Имонкулович, Ҳамидов Фарҳод Умарович, Турғунов Аваз Тўлқинович, Ҳожиёв Таваккалбек Нўъмонжонович, Ҳакимов Алишер Олимжонович, Нодиров Ғулом Баҳодирович, Юсупов Азизбек Умарович, Иброҳимов Абдувоис Эргашевич, Ортиқов Муҳаммадшокир Содикжонович, Ҳожиёв Илхом Нўъмонжонович, Эргашев Валижон Йўлдошбоевич, Имонкулов Лочинбек Абдимўминжонович, Бурхонов Жаҳонгир Жўрахонович, Туропов Хусан Ҳакимович, Ҳожиёв Абдулҳафиз Сафимовичга нисбатан жиноий иш эшитилаётганлигини эълон қилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а", "в", "г", "д", "е", "ж", "и", "л", "м", "о", "п", "р" бандлари, 155-моддасининг 3-қисми "а", "б" бандлари ва бошқа моддалари бўйича айбланмоқда.

Суд томонидан суд жараёни иштирокчиларининг ҳозир бўлгани текширилди, суд таркиби, томонлар эълон қилинди, рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилди, судланувчиларнинг шахси ва уларга айблов хулосаларининг нусхалари берилган вақт аниқланди, иш бўйича судланувчилар ва томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилди.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисми тавсияномалар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани аниқлаш билан яқунланди. Сўнгра раис томонидан суд тергови бошланганлиги эълон қилинди.

Давлат айбловчилари айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Далилларни текшириш тартиби белгиланди. Бу жараён давомида судланувчилар, жабрланганлар, даъвогар фуқаролар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланади, шунингдек, ушбу иш бўйича тўпланган бошқа далиллар текширилади.

Суд жараёнини 100 га яқин хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎЗА).

## ПАХТАКОРГА - БАРЧА МАДАДКОР

Республикамизда пахта йиғим-терим мавсуми бошланди. Шу кунларда қайси бир хўжалик даласига борманг пахтакорлар билан ёнма-ён туриб хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар ходимларини кўрасиз. Улар машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай қабул пунктларига етказиш, талон-торож бўлиши ва ёнгин келиб чиқишига йўл қўймаслик, пахта ташишга жалб этилган транспорт воситалари техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишларини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солишяпти.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ИИБ ходимлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмай, зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, деҳқонларга мададкор бўлишяпти. Тумандаги "Ҳақиқат" маҳалласи профилактика инспектори, лейтенант С. Авлаев маҳалла ҳудудида жойлашган "Оқ олтин" пахта тозалаш заводининг пахта тайёрлаш пунктида тез-тез бўлиб, осойишталикни таъминлашга қаратилган тадбирлар ташкил этяпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда, албатта.

Суратда: профилактика инспектори, лейтенант С. Авлаев пахта тозалаш заводи мутасаддилари билан суҳбатлашмоқда.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



## Муносабат

## ҚОНУНИЙ БАҲОСИНИ ОЛАЖАК

Шу йил 12-13 май кунлари Андижонда юз берган машъум воқеалар, бир гуруҳ террорчиларнинг хунрезликлари халқимиз томонидан ҳақли равишда қораланди. Мана, орадан тўрт ойдан ошиқ вақт ўтган бўлса ҳам Республика ИИВ Бирлашган тахририятига ўша воқеаларга муносабат билдирилган мактублар келиб турибди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шу йил 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари осуда ҳаётимизга раҳна солди. Шу кунгидея Президентимизнинг Андижонга етиб келиши вилоят меҳнат ахлига, табаррук бо-бою момоларга таскин бўлди, келажакка ишонч бағишлади. Юртбошимизнинг Андижон шаҳрининг кўпни кўрган нуруний отахону онахонлари ва фаолларини тўлаб, бамаслаҳат қилган ҳаракати ижобий натижаларини берди. Динни ниқоб қилиб олган манқурт кимсалар ҳокимиятни эгаллаш ниятида юрган босқинчилар эканлиги исботланди. Андижонда рўй берган бундай хунрезликларни қоралаб қатор йиғилишлар ўтказилди. Туман ҳокими ҳузурда тузилган гуруҳ аъзолари, 37 маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда "Нуруний" жамғармасининг жамоатчилик маркази раислари билан ҳамкорликда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Бу йиғилиш-

ларда фуқароларга юз берган қонли воқеаларнинг асл мазмун-моҳияти ёрқин мисоллар билан тушунтирилди.

Айниқса, муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди" номли китоби барчамиз учун хушёрликни таъминлаш йўлида маёқ бўлиши лозим.

Биз туман нурунийлари, бо-бою момолар "Акромиё" номи билан ташкил бўлган гуруҳлар аъзолари қилмишидан бениҳоя ғазабландик.

Ҳақиқатан Андижонда содир этилган террористик ҳаракатлар чет эллик ғаламисларнинг маблағлари ва пуч ваъдаларига учган бир гуруҳ шахсий манфаат йўлида халқимизни қақшатган, ватанфурушларнинг иши эканлиги аниқланди.

Ўйлаймизки, уларнинг бу қилмишлари қонуний баҳосини олади.

**И. НОРМАТОВ,**  
Булоқбоши тумани "Нуруний" жамғармаси раиси.

Мудҳиш воқеалар гўзал, сўлим, халқи танти Андижон шаънига отилган тош бўлди, десак янглишмаймиз. Лекин ўзга кимсалар кўлида "кўғирчоқ" бўлган бир тўда тошбағир жангариларнинг тубанликлари бутун халқ шаънини булғаш учун асос бўлолмайди. Орадан ўтган фурсат окни оқ қорани қора дегулик имкон берди.

Маълумки, 2005 йил 5-6 сентябрь кунлари Республика Бош прокуратурасининг тезкор-тергов гуруҳининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлиснинг мустақил комиссияга тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботи газеталарда чоп этилди.

Ҳисоботда Андижондаги террорчилик ҳаракати ташқи бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатига, миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган хуруж

эканлиги, террорчилар нияти конституциявий ҳуқуқни ўзгартириб, халифалик давлати барпо этишга қаратилганлиги айтиб ўтилган.

Аммо, Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, уларнинг хом хаёллари амалга ошмади. Андижон халқи уларнинг "ўйинлари"га кўшилмади. Подадан олдин чанг кўтарган жангарилар ўз қабиҳ ниятларини амалга ошира олмадилар. Тарқатган миш-мишларию, Андижонга, бутун Ўзбекистонга қарши қаратилган ахборот урушлари ҳам иш бермади. Аммо уларнинг хунрезликларидан Андижон ва андижонликлар жафо чеқдилар.

Бугун хаёлимиздан шундай ўй ўтади: агар ҳар биримиз ўз вазифамизга масъулият билан ёндашганимизда, хушёр бўлганимизда юқоридаги мудҳиш воқеалар рўй бермасдими?

Прокуратура тақдимномаси билан танишгач биз маданият ходимлари шундай хулосага келдик: ўзгалар кўлида "кўғирчоқ" бўлган жангариларнинг бугун юзлари шувут. Улар ўз қабиҳ қилмишлари учун жавоб берадиган вақт келди. Халқига, Ватанига хиёнат қилган кимсалар, албатта, қонун олдида жазоларини оладилар.

Биз одил судловда адолат қарор топишига ишонамиз.

Мустақиллик даврида давлатимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни ҳар жиҳатдан етук кишилар қилиб тарбиялаш, Андижон воқеалари чоғида тинчлик-осойишталикни қарор топтириш йўлида жонбозлик ва мардлик кўрсатганлар ҳаётини ибрат қилиб, ватанпарварлик ғоясини ёшлар онгига сингдириш, Ватан ҳимояси учун масъуллик ҳиссини кучайтиришдек муҳим вазифаларни оғишмай амалга оширамиз. Мамлакатимиздаги тинч, осуда ҳаётни кўра олмаётган, писиб ётиб ғаламислик қилаётган ёт кучларга ўз меҳнатларимиз натижалари, ҳамфикрлигимиз ва жипслигимиз билан жавоб берамиз.

Булоқбошилик маданият ходимлари номидан.

**Х. ЖАЛОЛОВА,**

Булоқбоши тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи.

**М. ХАЛИЛОВ,**

Марказий маданият уйи директори.

**Х. АБДУЛЛАЕВА**

Марказлашган кутубхоналар тизими директори.

## Халқаро алоқалар

## ГАО ЮЙШЕНЬ:

## «... КЎРИШГУНЧА ДЕЙМАН»

ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси жаноб Гао Юйшень ваколати тугаганлиги ва ватанига қайтаётгани муносабати билан хайрлашиш учун Республика Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Унга Хитойнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси полицияси атташелари ҳамроҳлик қилишди.



Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ҳузурдаги сиёсий тадқиқотлар девонхонаси бошлигининг ўринбосари жаноб Фан Ли раҳбарлигидаги делегация республика Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди.

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов қабул қилди.

— Биз Хитой Халқ Республикаси, жумладан, Жамоат хавфсизлиги вазирлиги билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келаямиз. Халқаро терроризм, диний экстремизмга қарши кураш бўйича 1999 йилда икки томонлама битим тузилган. Ишончли ҳамкоримиз ҳисобланган Хитой давлати моддий ва техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ходимларимизнинг ўзаро тажриба алмашишлари яхши йўлга қўйилган, — деди у мулоқот чоғида.

Ўз навбатида жаноб Фан Ли самимий қабул учун ташаккур билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар йилдан-йилга мустақамлашиб бораётганини таъкидлади. Чунончи, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, фан, таълим соҳалари билан бир қаторда халқаро терроризм, диний экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамжиҳатлик юқори босқичга кўтарилишидан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканлигини қайд этди.

Учрашув давомида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилишди.

Ўз мухбиримиз.

Юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов қабул қилди. У ўз сўзида сўнгги йилларда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида сиёсат, маданият, савдо ҳамда бошқа муҳим соҳаларда ҳамкорлик юқори даражада ривож топганлигини қайд этди. Жумладан, кўп жиҳатдан жаноб Юйшеннинг саъй-ҳаракатлари туфайли республика ИИВга энг замонавий компьютер ва оргтехника воситалари, қисқа тўлқинли кўчма радиостанциялар, криминалистик лаборатория, гиёҳвандлик моддаларини тадқиқ қилиш бўйича махсус лаборатория тухфа қилинганлигини таъкидлади. Бундан ташқари ҳозир ХХРнинг етакчи компанияларидан бири йўл ҳаракати хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини лойиҳалаштириш ҳамда яратиш

бўйича иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳозирги замоннинг глобал муаммоларидан бўлган халқаро терроризм ва диний экстремизм кўринишларига қарши курашда яқин ҳамкорликка эришилди.

Ўз навбатида Элчи жаноблари Гао Юйшень самимий, дўстона қабул учун миннатдорчилик изҳор этиб, ҳар иккала давлат ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўзаро муносабатлар янада кенгайишига ва ривож топишига ишонч билдирди.

— Мен бутунлай хайрлашмайман, кўришгунча дейман, — деди у сўзининг охирида.

Учрашув сўнгида жаноб Гао Юйшенга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғаси топширилди.

**Георгий ПЕТРОСЯН.**

Суратда: Гао Юйшень.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## Хабар

Тошкентда "Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва оммавий ахборот воситалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бу "Фуқаролик форуми" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган навбатдаги шундай тадбирдир. Лойиҳа "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги амалдаги қонунлар мониторинги институти томонидан Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) кўмагида амалга оширилмоқда.

## ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Давра суҳбати иштирокчилари "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган мамлакатимиздаги даврий нашрлар мониторинги натижалари билан танишишди. Тадқиқот ўзбек ва рус тилларида чиқадиغان турли даражадаги 27 та газетани қамраб олди. Мониторинг даврий нашрларда суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари қай даражада ёритилаётганини, материаллар самарасини, жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини қандай ҳал қилаётганини аниқлаш мақсадида ўтказилди. Ўрганилган материаллар қатор хусусиятларига кўра, жумладан, услуби ва мазмуни юзасидан таснифланди. Ўтказилган тадқиқотлар газеталарда етарлича ёритилмаётган мавзуларни (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг, оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш) аниқлаш имконини берди.

Давра суҳбатида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг директори, академик Р. Убайдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директори А. Саидов, ОАВ раҳбарлари иштирок этишди. Қатор мутахассислар ва олимлар маъруза қилишди. Тадбир мунозараларга бой бўлди. ●

Ўз мухбиримиз.

## Янгиликлар

ТАЖРИБА  
АЛМАШИШДИ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида навбатдаги ўқув машғулоти ўтказилди. Унда вилоятдаги шахар, туман ИИБ тергов бўлимлари вакиллари иштирок этишди. Ушбу тадбир соҳада олиб борилаётган ислохотларга бағишланди. Машғулотда узоқ йиллар тергов хизматида ишлаган, истеъфодаги подполковник, ҳозирда жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси Абдурахим Исомиддинов соҳа бўйича суҳбат ўтказди. Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Аҳмадjon Умаралиев ҳамда вилоят ИИБ ТБ катта терговчиси, подполковник Улғубек Ибрагимжоновлар ҳам йўл-транспорт ҳодисаларида терговолди суриштирув ишларини олиб бориш, терговнинг ўзига хос хусусиятлари, касб одобномаси ҳақида фикр юритдилар.

Яшнаробек РАИМЖОНОВ,  
катта лейтенант.

## УСУЛ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Навоий вилоятидаги полковник Ш. Идиев раҳбарлик қилиб келаётган муассасада жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни қайта тарбиялашда меҳнат муҳим роль ўйнамоқда. Улар темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, механик таъмирлаш заводлари ҳамда муассасада ташкил этилган дурадгорлик, тикувчилик, ғишт ишлаб чиқариш, гилам, тиканли сим тўқиш цехларида ҳақ тўланадиган иш билан таъминланган.

Ҳозирги кунда муассасада маҳкумларнинг яшаш шароити ва моддий таъминотини яхшилаш ҳамда муассаса ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Муассаса бошлиғининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш майдони кенгайтирилди. Маҳкумлар фойдали меҳнатга жалб қилиниши натижасида тартиббузарликлар содир этилиш ҳолатлари аввалги йилларга қараганда бир мунча камайишига эришилди.

Бу борада муассаса ходимлари майорлар Р. Раҳмонов, Ш. Шарипов, Г. Хайриев, капитан Х. Бозоров ҳамда катта лейтенант И. Турдиевларнинг хизмати мақтовга лойиқ.

М. КАРИМОВ,  
майор.

Бу хизмат ўта жиддий, шу боис ҳам қатъий синчковлик ва сабр-тоқат талаб қилади. Бугунги техника тараққиёти даврида инсоннинг компьютер билан тил топиши, ахборотларни жамлаш ва улардан зарур пайтда фойдаланиш учун ходим энг аввало масъулиятли бўлмоғи керак.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Ахборот маркази ходимлари томонидан "Автоқидирув" тизимининг мукамал текширилиши натижасида 1998 йил Россиядан "ВАЗ-21061", 2004 йил Польша давлатидан "ФОРД" ва 2000 йил республикада ўғирланган "ТИКО" русумли автомашиналар аниқланиб топилди. Шунингдек, бошқа турдаги жиноятларнинг очилишида ҳам ушбу хизматнинг роли катта бўлмоқда.

Суратда: Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари, майор Азат Казаев хизмат пайтида.

О. ЕРМАНОВ олган сурат.



## «Ҳосил – 2005»

ХАВФСИЗЛИК  
ЎЗИМИЗГА  
БОҒЛИҚ

Хоразм вилояти ИИБ ходимлари пахта йиғим-теримини йўл транспорт ҳодисаларисиз ўтказиш учун қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Мавсум олдиндан автомашиналар, трактор ва трактор тиркамаларининг техник ҳолати текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун машина-трактор саройлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар юборилди. Аммо амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатларимизга қарамай баъзи раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек ўта муҳим вазифага етарли эътибор беришмаяпти. Натижада айрим транспорт воситалари ҳайдовчилари одам ташиш қоидаларини кўпол равишда бузишяпти. Трактор ва трактор тиркамаларида эса нур қайтаргичлар йўқлиги, ишга чиқаётган транспорт воситаларида жиддий техник носозликларнинг учраётганини ниҳоятда ачинарлидир. Тумандаги О. Худойназаров, Р. Олимов, О. Худойназаров, В. Йўлдошев, Х. Жуманиёзов каби фермер хўжаликлари тракторчилари транспортни нур қайтаргичсиз, хавфсизлик занжирлари ўрнатилмаган ҳолда бошқаришгани аниқланди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Пахта мамлакатимизнинг асосий хом ашёси ҳисобланади. Шундай экан, йиғим-теримни йўл-транспорт ҳодисаларисиз ўтказиш, ҳосил нобудгарчилигига йўл қўймаслик учун барча мутасадди раҳбарлар, ҳайдовчилар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишлари лозим.

Улғубек АБДУЛЛАЕВ,  
Богот тумани ИИБ ЙХХТ катта инспектори,  
майор.

Пахта йиғим-терими даврида вилоятда жамоат тартибини сақлаш, ҳосилни ёнғиндан асраш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли хизматларга аниқ вазифалар юклатилган. Мавсумга тайёргарлик кўриш мобайнида Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан 12 та пахта қабул қилиш пунктлари ва уларга қарашли 32 та шахобчанинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди ҳашарчиларга ажратилган турар жойлар ҳокимлик ҳуқуқни муҳофаза этиш ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари томонидан текширувдан ўтказилиб, ўрнатилган тартибда далолатномалар тузилди.

Дехқон фермерлар бу йил пахтанинг йили бўлди, дейишмоқда. Чунки улар биринчи теримнинг ўзидаёқ давлатга пахта сотиш режасини уддалашмоқда. Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой туманлари дехқонлари вилоятда пешқадамлик қилишяпти.

Албатта, бу ишларда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари дехқонларга мададкор бўлишмоқда. Тадбирга жалб қилинган ходимлар

НОБУДГАРЧИЛИККА  
ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ҳосилни йиғиб олишда қатнашадиган ишчи, ҳайдовчи ва механизаторларга ёнғиннинг олдини олиш бўйича йўриқномалар берилди. Шу билан бирга ҳар бир транспорт воситаси учун сўндиргичлар билан таъминланди.

Мавсум давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, жойларда маҳалла пост-бонлари, профилактика инспекторлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида

пахта хом ашёсининг талон-торож қилиниши, ўғирланиши ва республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик мақсадида, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Бундан кўзланган мақсад битта – у ҳам бўлса, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, етиштирилган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай, талон-торожликларсиз йиғиштириб олишдан иборатдир.

Шерали АНВАРОВ,  
катта лейтенант.

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

жамоат тартибини сақлаш, транспорт воситалари ҳаракати ва пахта қабул қилиш пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Вилоят ИИБда ташкил этилган "Пахта-2005" штаби кеча-ю кундуз ходимлар хизматини мувофиқлаштириб бормоқда. Етиштирилган пахта ҳосилининг талон-торож этилиши, четга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақ-

садида бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бирга-ликда вилоятнинг чеғара ҳудудларида назорат-кузатув постлари ташкил этилди.

– Ички ишлар ходимларининг бизга кўрсатётган ёрдамлари катта бўлмоқда, – дейди Дўстлик туманидаги "Абдуота" фермер хўжалиги раиси Ботир Абдиев. – Профилактика инспектори, капитан Баҳриддин Муродов ва туман ИИБ ЖТСГ ходи-

ми, сержант Нурмуҳаммад Мирзаевларнинг хизматини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар барча масалалар юзасидан яқиндан кўмақдош.

Дарҳақиқат, ҳозирда Жиззах вилоятида барчанинг эътибори эл ризқи бўлган пахта ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиб-териб олишга қаратилган. Далаларда ҳосилнинг чўғи баланд, шунга яраша меҳнат ҳам қизимокда.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,  
капитан.

## Ихтисослашиш самараси

ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛОВ  
ВОСИТАЛАРИ

Маълумки, ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш хизмати мамлакатимизда давлат миқёсидаги мулклар ҳимоясини таъминлаш борасидаги ягона ихтисослашган ташкилотдир.

Айни пайтда бу хизматда ўзимизда ишлаб чиқарилган қўриқлаш воситалари билан бир қаторда Германия, Италия, Корёя, Исроил каби хорижий мамлакатларда тайёрланган қўриқлаш-ёнғиндан оғохлантириш воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Жумладан, ультратовушли, радиотўлқинли, инфракизил нурли ва бошқа замонавий ускуналар қўриқлаш тизимида кенг қўлланилаётгани объектга кирган ҳар қандай шахсларни аниқлаш, ёнғинни сезиш имкониятини беряпти. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларга ўрнатилаётган "РЛД-СМ", "Газон-2", "Гуард", шунингдек банк муассасаларидаги ташвишегоҳ воситалари ёрдамида объектлар ишончли қўриқланапти.

Бугунги кун тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, объект ва фуқаролар хонадонларини қўриқлашда қўриқловнинг симсиз тури ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради.

Бу усул қўлланилиши натижасида йилдан-йилга қўриқлаш хизматининг ишончилилик даражаси ортиб бормоқда.

Демак, замонавий қўриқлаш ташвишегоҳ воситаларининг амалиётга кенг татбиқ қилиниши жиноятчилик, ёнғин, ўғриликнинг олдини олишда яхши самара беради. Амалиёт бу воситалар ёрдамида хонадонлар ва халқ хўжалиги объектларида жиний тажовузлар сезиларли даражада камайганлигини кўрсатмоқда.

Аммо жиноятчилар қўриқлаш ташвишегоҳ воситалари борлигини билиб, қўриқланаётган объектларга киришнинг мураккаб усулларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бунга эътибордан қолдирмаслик керак. Бир томондан қўриқлаш ташвишегоҳ воситаси жиний тажовузларга қарши жиддий тўсиқ ҳисобланса, бошқа томондан қўриқлаш бўлинмалари доимий равишда техник воситалар ва объектларни қўриқлашни янада такомиллаштириш устида мунтазам ишлашлари лозимлигини кўрсатади.

А. ШЕРАЛИЕВ.

## Сийсий-ижтимоий сабоқ

**Август ойи бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонни имзолаган эди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим босқичлардан бири бўлди. Судларга бундай ҳуқуқнинг берилиши, яъни "Хабеас корпус" институтининг яратилиши ҳеч шубҳасиз ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришда ўз вақтида қўйилган муҳим, зарурий қадамдир.**

Ушбу Фармон қабул қилинишидан олдин суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича босқичма-босқич, собитқадамлик билан зарур ишлар амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни, асоссиз жиноят таъқибидан ва шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимояланиш ҳуқуқини, шунингдек, адолатли суд текширувини таъминлашдир.

Суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг дастлабки босқичларидаёқ амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш; биринчи навбатда қонунларга қатъий амал қилинишини таъминловчи механизмлар яратиш; том маънода мустақил суд ҳокимиятини яратиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Мазкур тўрт йўналиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилди, қатор қонунлар қабул қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар қилинди. Ислохотларни амалга оширишда 2001 йилда қабул қилинган жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун катта роль ўйнади. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд идоралари фаолиятининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Энг асосийси, ҳуқуқни қўлловчининг жиноят таъқибидан ва жиноий жазо масалаларига қарашини ўзгартиришга муваффақ бўлинди.

Хўш, мамлакатимиз Президентининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони юртдошларимиз учун қандай аҳамиятга эга?

Биринчидан, қамоққа олиш масаласини суд кўриб чиқиши судгача терговнинг дастлабки босқичидаёқ процессуал тартиб-қоидаларга, Миранда қоидага ва тортишув тамойилига риоя қилинишини таъминлайди, кўплаб қонун-қоидалар бузилишининг олдини олади. Ушбу босқичда жиноятчиликка қарши курашувчи идоралар (Ўзбекистон Республикаси ИИБ, МХХ, Прокуратураси)нинг суд ҳокимияти идора-

лари билан ўзаро муносабатга киришуви муайян даражада мувозанат ва тийишлини юзага келтиради. Муаммони ҳал этишга бундай

дентимиз судгача бўлган босқичда судларнинг процессуал мажбурият ва қамоққа олиш бўйича санкция бериши юзасидан ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхталдилар. Бу борада қонун лойиҳаси тайёрлаш вазифаси қўйилди. 2005 йил 8 августда қабул қилинган Фармон амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу Фармоннинг ижроси учун анча узоқ муддат – деярли икки ярим йил кўзда тутилган. Аммо бажарилиши лозим бўлган ишлар чамалаб кўриладиган бўлса, ажратилган муҳлат ҳатто камдек кўриниши ҳам мумкин. Албатта,

судлар, адвокатура тўғрисидаги қонунлар қайта кўриб чиқилиши, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида янги қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, тергов идораларининг ҳам, тезкор хизматларнинг ҳам фаолиятлари такомиллаштирилиши лозим. Республика ИИБ, МХХ, Прокуратураси, шунингдек, жиноятларни очиш, уларни содир этганларни фош қилиш жараёнига жалб этилувчи бошқа идоралар меъёрий базасини мувофиқлаштириш бўйича ҳам олдинда катта ишлар турибди. Энг асосийси, бу ўзгаришларга тезкор хизматлар ходимларини, терговчилар-

Халқаро пакт талабларини бажариш фақат қонунчиликка "Хабеас корпус" институти кириштирилганига иборат эмас. У инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган яна кўплаб жиҳатларни назарда тутди. Ҳозир амалда бўлган Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари халқаро андозаларга кўп хусусиятлари бўйича мос. Масалан, Миранда қоидаларининг асосий тамойиллари ЖПК қабул қилинган пайтдан – 1994 йилдан оқиб ўз аксини топган эди. ФСХБПнинг яна баъзи талаблари эса жамоатчилик ва ҳуқуқни қўлловчиларнинг бунга тайёр бўлишига қараб жорий этила борилади.

Судгача тергов босқичида турли қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида бизда бешта стратегик йўналиш ишлаб чиқилган. Булар куйидагилардан иборат: ушлаб туриш жараёнини тартибга солиш; ушланган ва қамоққа олинган шахслар билан процессуал тартибдаги ҳаракатлар ўтказиш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги, жумладан, айбига иқроп

қилиш учун қийноққа солиш ҳолатлари бўйича жамоатчилик иштирокида батафсил текширишлар (яъни, мустақил текширишлар) ўтказиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг транспортлигини таъминлаш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ва маданиятини ошириш.

Юқоридаги ҳар бешала йўналиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди: қатор қонунлар қабул қилинди, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди; ушбу масалалар ҳайъатларда ва мувофиқлаштирувчи кенгашларда кўриб чиқилиб, бошқарувга оид тегишли қарорлар; Олий Суд Пленумининг гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, далиллар мақбуллиги тўғрисида қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси ва ИИВнинг дастлабки тергов босқичида адвокатларнинг иштирок этиш тартиби тўғрисида қўшма низоми; Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва ИИВ ўртасида ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича Битим қабул қилинди. Оммавий аҳборот воситаларида ҳам ушбу мавзуда очиқ-ошкора фикр юритилди. Мазкур тадбирларнинг барчаси ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлашга ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

## ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

ёндашув жиноят таъқибини ЖПК меъёрларга қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширишга олиб келади. Жиноятни бошқа йўл билан очишнинг иложи қолмайди. Шундай қилиб, суд ваколатларининг кенгайиши фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, шахсий дахлсизлигини судгача тергов босқичида самарали ҳимоя қилиш имконини беради. Содда қилиб айтганда, ушбу чора ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон ҳуқуқлари таъминланишининг жиддий кафолатидир. Бу эса ҳозирги замонда қонунчилик тўғрисидаги асосий ташкил этади.

Иккинчидан, ушбу Фармон Ўзбекистон Конституциясига ва халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган меъёрлари ҳамда тамойилларига тўла мувофиқдир. Мазкур ҳужжатларга кўра инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаддас ва дахлсиздир. Ҳеч ким судсиз инсонни улардан маҳрум қила олмайди ёки уларни чеклай олмайди. Бу эса, маълумки, демократик жамият қуришнинг асосий тамойилларидан биридир. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ғояси бугун туғилгани йўқ. У ислохотларнинг бошидаёқ мавжуд эди. Ушбу масала юристлар, амалиётчилар, олимлар ўртасида ҳамisha муҳокама қилиниб келинади. Давлатимиз раҳбари илқ бор бу ҳақда 2004 йил 26 декабрда – Олий Мажлисга сайловлар куни маълум қилган эдилар. Кейин, шу йил 28 январда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида Прези-

бирор хорижий давлатнинг суднинг санкция бериш ҳуқуқини тартибга солувчи амалдаги қонунини кўчириб қўя қолса ҳам бўларди. Аммо



асло бундай йўл тутиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, тайёр қонун намунаси бизнинг қонунчилик тизимимизга мос тушиши лозим. Бундай тайёр қонунни эса топиб бўлмас керак. Иккинчидан, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва судгача тергов жараёнида инсоннинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асносида биз жиноятчиликка қарши кураш вазифасини ҳам унутмаслигимиз лозим. Акс ҳолда мамлакатда криминоген вазият устидан назоратни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Афсуски, ана шу жиҳатни ҳисобга олмай санкция бериш ҳуқуқини шошма-шошарлик билан судларга ўтказган айрим давлатлар анчайин мураккаб вазиятда қолишди. Шунинг учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни белгилаб берувчи қонун ўзгаришлари аниқ механизмни назарда тутиши, айти пайтда проку-


ни, прокурорларни ва судьяларни тайёрлаш керак. Токи, улар янги шароитларда олдиларида турадиган вазифаларни самарали бажаришсин, уларнинг ҳар бири учун қонунга риоя қилиш ҳаётий эҳтиёжга айлансин. Бу тадбирларни тўла-тўқис бажариш учун эса вақт керак.

Ҳар бир фуқаро қонунларни такомиллаштириш жараёнида қатнашишга ҳақли. Шунинг учун ҳам Адлия вазирлиги ҳузурида тузилган, Президентимизнинг Фармонида кўра қонун лойиҳасини тайёрлаш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳ фуқароларнинг "Хабеас корпус" институти тузиш бўйича ҳар қандай мурожаатларини кўриб чиқишга тайёр.

Юқорида зикр этилган Фармон Фуқаролик ва сийсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро Пактга (ФСХБП) тўла мос келади. Ушбу халқаро норма Ўзбекистон томонидан 1995 йилда, яъни бундан ўн йил аввал ратификация қилинган. "Хўш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласи нега бунча узоқ кўриб чиқилди?" деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Сабаби, бутун ҳуқуқни қўллаш тизимини қисқа вақтда ўзгартириб бўлмайди. Мамлакатимизда кечаётган жараёнлар умуман давлатимизнинг ривожланиш доктринаси, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳам собитқадамлик ва босқичма-босқичлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатмоқда. Бу тамойил ФСХБП талабларини бажаришга ҳам тааллуқлидир.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## ИСЁНКОР «РИТА»

**“Рита” тўфони Флорида қирғоқларига яқинлашиб қолди. Унга беш баллик шкала бўйича ҳозирча иккинчи тоифа берилди. Флоридада тўхтовсиз ёмғир ёғиб, сув тошган. Штатнинг жанубида кучли шамол дарахтларни синдирмоқда. Метеорологларнинг маълумотларига қараганда, қирғоқ бўйи туманларида сув сатҳи 3 метрга кўтарилиши кутилмоқда. Тўфон иккита торнадо юз беришига сабаб бўлди.**



Алабама, Луизиана, Миссисипи ва Техас штатларида аҳолини кўчиришга тайёргарлик ишлари бошланди. Пентагон эса Флорида ва Техасда табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида иккита мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, “Рита” Техас ва Луизиана ҳудудига шанба кuni етиб боради.

Янги офатдан яқиндагина юз берган “Катрина” тўфонидан ҳали ўзига келмаган Янги Орлеан ҳам жабр чекиши мумкин. Ҳозирча бутунлай тиклаб улгурилмаган тўфон тўфон оқибатида вайрон бўлиши хавфи бор. Бу яна сув тошади дегани. Янги Орлеан аҳолиси энди-энди уйларига қайтишаётган эди. Улар яна кўчишга тайёргарлик кўришмоқда. Ҳозирча тўфон Багам оролларида етиб келган.

## ПАШША ДОРИДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

**Ота-оналар болаларини боғчага кузатаётиб, тарбиячиларга дилбаңдларини ишониб топширишади. Улар фарзандларимизни боғча опалари вақтида овқатлантиришади, ўйнатишади, ухлатишади, деб ўйлашади.**

Афсуски, тарбиячилар ҳаммиша ҳам ота-оналарнинг ишончларини оқлайверишмайди. Россиянинг Краснодар ўлкасида ҳам шундай ҳолат қайд этилди. Усть-Лабинск шаҳридаги 8-болалар боғчасида 54 нафар тарбияланувчи бўтқадан заҳарланишди. Бунга кимдир бехосдан овқатга пашша дориси қўшиб юборгани сабаб бўлган. Заҳарланган болалар тезда касалхонага ётқизирилиб, тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда уларнинг барчаси ўзларини яхши ҳис қилишяпти. Тахминларга кўра, ошпаз пашша дорини туз деб ўйлаган бўлиши мумкин.



## ТЕРРОРНИНГ ОХИРИ КЎРИНМАЯПТИ

**“Ал-Қоида” ташкилотининг Ироқдаги гуруҳи бошлиғи Абу Мусоб аз-Зарқавий шиаларни америкаликлар билан ҳамкорликда айблаб, уларга қарши уруш очаман деб дўқ-пўписа қилган эди. У режасини амалга ошираётганга ўхшайди. Сўнгги уч кун ичида шиалар яшайдиган ҳудудларда жангарилар томонидан содир этилган портлашлар ва отишмалар туфайли 200 дан ошиқ киши ҳалок бўлди.**

Кеча маҳаллий вақт билан соат 7.30 ларда Бағдоднинг шарқий қисмида яна бир хунрезлик юз берди. Куролланган жангарилар автомобиль ва микроавтобусда келиб, иш топиш илинжида турган оломонни ўққа тутган. Оқибатда камида икки киши ҳаётдан кўз юмган. 12 одам яраланган.

Иккинчи террорчилик ҳаракати тушга яқин шиалар маҳити яқинида уюштирилган. Ҳозирча 9 киши ўлгани, 21 одам ярадор бўлгани маълум.

Ироқ Муваққат ҳукумати зўравонликни тўхтатишга қодир эмас. Буни мамлакат Президенти Би-Би-Си телекомпаниясига берган интервьюсида тан олди. У БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган саммитида жаҳоннинг етакчи давлатларига мурожаат қилиб: “Биз терроризм устидан галаба қозониш учун сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз”, – деди.

## КУБАЛИКЛАР ЁРДАМГА ТАЙЁР

Душанба кuni Куба етакчиси Фидель Кастро яна АҚШ ҳукуматида “Катрин” тўфонидан жабр кўрган штатларга 1,6 минг шифокор ва 36 тонна дори-дармон юборишга тайёр эканлигини билдирди.



Эслатиб ўтамыз, Фидель Кастро август ойи охирида ҳам бу ҳақда баёнот берган эди. Вашингтон бир неча кун давомида бу таклифга жавоб бермагач ўз баёнотини яна такрорлаганди. “Биз ёрдам кўрсатишга тайёрмиз. Таклифимиз ўз кучида қолади. Бу билан АҚШни хафа қилиш, ерга уриш ниятида эмасмиз”, – деди у.

Кубадан ташқари яна кўплаб мамлакатлар, жумладан Россия ҳам АҚШга ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилишди. РФ Фавкуллода вазиятлар вазирлиги дори-дармон ортилган икки самолётни тайёрлаб қўйди, кутқарувчилар ҳам шай бўлиб туришибди.

## ОФАТ ДАФ ЭТИЛДИ

Ўтган кuni кечкурун Россия пойтахтидаги Бутунроссия кўргазма марказида ёнгин содир бўлди. Ангардаги ёғоч материаллар ва газ баллонларига ўт кетди. Ёнгинни ўчиришга 16 та ўт ўчирувчилар гуруҳи жалб этилди.



Москва вақти билан соат 18.30 да офат даф этилди. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

## ВЬЕТНАМДА ДОВУЛ


**“Висенте” довули Вьетнамда метеорологлар кутганидан ҳам оғирроқ оқибатларга олиб келди. Ҳозиргача бир неча киши ҳалок бўлди. Энди Таиланддагилар ҳам табиий офат етиб келишини кутишяпти.**

Хитойда “Висенте” одатдаги тропик циклон кўринишида намоён бўлган эди. Аммо бир кечада куч йиғиб, ҳақиқий табиий офатга айланди. Ҳозиргача олти киши нобуд бўлгани, бир одам бедарак йўқолгани маълум.

Сув тошқинларига қарши курашиш бўйича Марказий штаб бошлиғи Ле Куи Нгонинг айтишича, хавфли туманлардан – мамлакатнинг марказий ва шимолий қисмидан одамлар вақтида хавфсиз ҳудудларга кўчирилмаганида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди.

Табиий офат юз берган ҳудудларда уй-жойлар вайрон бўлган, экин майдонлари сув остида қолган, йўллар яроқсиз қолган.

Таиландликлар бошига ҳам шу кўргулик тушиши мумкин. Ҳозирча мамлакатнинг шимолий ва шимоли-шарқий провинциялари аҳолиси тўхтовсиз ёмғирлардан жабр чекаяпти. Таиланд метеорология департаменти бош директори хавфли минтақаларда яшовчиларни ҳушёр бўлишга, ўз ҳаётларини хавф остига қўймасликка чакирди. Уларни зудлик билан хавфсиз ҳудудларга кўчиришга тўғри келиши ҳам мумкин. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, мамлакат Ички ишлар вазири 16 провинциянинг губернаторига аҳолини шошилинч кўчиришга тайёргарлик кўришни буурган. Бангкок шаҳрида сув тошишига қарши чоралар кўриш учун 1,7 миллион қоп тупроқ ва мингдан зиёд насос ҳозирлаб қўйилди.



## ҚУРБОНЛАР БОР

**Туркиянинг Анталия провинциясини даҳшатли фожиаларзага солди. Бу ерда автобус портлаб, икки киши қурбон бўлди, ўн киши турли даражада тан жароҳати олди. Воқеа сабаблари ҳозирча номаълум.**



Анталия хавфсизлик бошқармаси бошлиғи полициянинг дастлабки тахминига кўра портлаш автобуснинг юкхонасида юз берганини хабар қилди. Автотранспорт маҳаллий сайёҳлик фирмаларидан бирига қарашли эди.

Портлаш шунчалик кучли бўлганки, автобус бўлакларига 400 метргача радиусдаги майдонга сочилиб кетган. Жароҳатланганлар маҳаллий касалхоналарга ётқизилган.

Бу террорчилик ҳаракати бўлиши ҳам мумкин. Чунки курд айирмачилари ҳам, диний экстремистлар ҳам, сўлчилар ҳам оромгоҳларда кўпуровчиликлар содир этишни “севишади”.

## РОСТГА ЎХШАЙДИ

**Чеченистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рамзан Қодиров яқинда Аслан Масхадовнинг яқин сафдошларидан бири Аҳмед Авдорхоновнинг ўлдирилганини маълум қилган эди. Бу баёнот ростга ўхшайди. Кеча чечен жангарилари йўлбошчиларидан бири бўлган мазкур шахснинг ҳақиқатан ҳам ҳалок бўлганини тан олишди. Улар қотиллик қандай содир этилганини маълум қилишмаган. Аммо Рамзан Қодировнинг маълумотларига қараганда, Аҳмед Авдорхонов заҳарлаб ўлдирилган.**

Тахминларга кўра, қотиллик Шомил Басаев штабининг ташаббусига кўра амалга оширилган. Улар илгари ҳам Масхадовнинг яқин сафдошини йўқ қилажакларини билдиришган эди.

Ҳаммасига террорчиларнинг уларга хориждаги ҳомийлари томонидан ажратилаётган пул маблағлари устида талашилари, ўзаро рақобатлашувлари ва ички низолар сабаб бўлган.

Бошқа бир тахминга кўра, Басаев ва Авдорхонов етакчилиги учун ўзаро курашишган. Авдорхонов Басаевнинг бошчилигини асло тан олмаган, бунинг устига ваҳҳобийликка қарши эди.



## Маърифат дарси

Хар бир инсон ўз отасини ниҳоятда ҳурмат қилади, азииз тутати. Бу табиий ҳол албатта, чунки бу ёруғ дунёга келишига сабабчи бўлган, тарбиялаб вояга етказган улуғ зот ҳар қандай эъзозга лойиқ. Шу ўринда биз устозларни ҳам ҳурмат-иззат бобида ота билан бир қаторга қўямиз. Ривоят қилишларича, адолатли бир шоҳ мулозимлари билан шаҳар айланиб юрарди. Фуқаролар унга йўл бериб, таъзим қилиб туришарди. Шу пайт мадраса ёнидан ўтаётганида ичкаридан бир кексароқ киши чиқиб келади. Шоҳ уни кўриб, тез-

да отдан тушиб, унинг қўлини олади ва йўлдан ўтиб кетгунича таъзим қилиб туради. Унинг бу ишидан ҳайрон бўлган мулозимларидан бири сўрайди:

– Шоҳим, бу киши отангизми?


– Йўқ.

– Унда қайнотангизми?

– Йўқ.

– Сиздай давлатпаноҳнинг бу қадар ҳурматига сазовор бўлган киши ким бўлмаса? – яна қизиқиб сўрайди.

– Хат-саводимни чиқарган устозим, – деб жавоб беради подшо.



Ха, устозларни бу қадар улуғлаш халқимизнинг энг азалий одатларидан саналади. Шунинг учун ҳам бола вояга етиб, ақлини таний бошлагач, унинг саводини чиқариш учун устоз тарбиясига берадилар. Ҳали ҳарф танимаган уни кўшиб ўқиш, сўз тузиш нималигини билмайдиган мурғак қалбларга сабоқ беришнинг ўзи бўлмайди. Шу боисдан ҳам устознинг меҳнати беҳад қадрланади. Киши бирор касбни эгаллашга қадар бир неча устознинг таълим-тарбиясидан баҳраманд бўлади.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деб бежиз айтишмаган. Чунки ҳеч бир киши онасининг қорнидан бирор касбнинг эгаси бўлиб туғилмайди. У энг оддий ва осон ишни ҳам кимдандир ўрганади, кейин эса ўргатади. Инсон қайси бир касбни танла-масин, уни эгаллаш учун албатта устоз мактабини ўтайди. Касбнинг сир-асрорларини пасту балан-дликларини ўрганади.

Зеро, мурғак қалбларда, йинқароқ болаларда билим олишга ёзишга бўлган иштиёқни ўйғотиш учун чекиладиган машаққатни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу боис ҳам ҳазрат бобомиз Алишер Навоий бир ҳарф ўргатган устознинг меҳнатини минг ганж билан ҳам узиб бўлмайди, деб бежиз айтмаганлар.

Устозларни шоирлар бутун оламга нур сочиб турган офтобга, чексиз уммонга, ҳадсиз осмонга қиёслашади. Офтоб ҳар қанча нур сочмасин, унинг тафти тамом бўлмайди. Уммон сувини ҳам сипқориб ёки ташиб адо этиб бўлмайди. Осмоннинг чеки чегараси йўқ. Ҳар қанча юрманг охирига етиб бўлмайди. Устозлар юзлаб, минглаб болаларни бағрига олиб тарбиялайди, ҳар бирига қалб кўрини сарфлайди, шунинг учун у энг азииз киши бўлиб қолаверади.

# УСТОЗ ОТАНГДЕК ЎЛТУРА

Республика ички ишлар вазирлиги тизимидаги учта олий таълим муассасасида ҳар йили кўплаб кадрлар тайёрланиб, хизматга йўлланма берилади. Бу ерда йигитларнинг етук мутахассисликларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, бу ўқув муассасаларида кўп йиллик педагогик тажрибага эга, ўз фанини мукамал биладиган ўқитувчи-профессорлар дарс беради. Улар бутун қалб кўрларини ички ишлар хизмати учун фидойи касб эгаларини тайёрлашга бағиш-лашапти.

Албатта, амалиётга йўлланма олган ёш ходимлар ишга киришганларида кўп қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Сир эмас, ҳаёт ҳар доим ҳам бир текисда бўлавермайди. Ана шундай пайтда ёш ходим кимгадир суянади, кимдандир нажот кутади. Бу кўп йиллар хизмат қилиб тажриба орттирган ўз ишининг устаси, унинг сир-асрорларини пухта биладиган инсон – мураббийдир. У билмаганга ўргатади, ёрдамга муҳтожнинг таянчи, қоқилаётганининг суянчи бўлади. Шу боис ҳам ички ишлар идораларида мураббийлик ҳаракатига кенг ўрин берилган. Хизматга энди келган йигитларга тажриба-бали, соҳада кўп йиллар ишлаган ходимлар бириктирилиб қўйилади. Бу усулнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиш шарт эмас, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бундай жараёндан ўтган ёшлар касб сир-асрорларини тезда ўзлаштириб, муносиб ютуқларга эриша бошлайдилар.

Кейинги пайтда нафақа-га чиққан фахрийлар ҳам

мураббийлар қаторида ёш ходимларга яқиндан кўмак бераётганликларини айтиб ўтиш лозим. Айниқса, профилактика инспекторларига мураббийлик қилаётганлар ички ишлар ходимлари билан фуқароларнинг ҳамкорлик қилишларида ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати алоҳида эъзозланади. Президентимиз Фармонига биноан 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни деб эълон қилинган. Ҳар йили бу кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу куни устозларни йўқлаб, ҳаммамиз айём билан табрик-лаймиз. Орамиздан кетганларни эслаб, улар ҳақида тиловат қилиш эса биз учун фарздир.

Ўқитувчиларга нафақат мамлакатимизда балки бутун дунёда ҳурмат-эътибор катта. ЮНЕСКО қарорига биноан 5 октябрь – Халқаро ўқитувчилар куни деб эълон қилинган. Жаҳон статистика маълумотларида айрим мамлакатларда болаларнинг саводини чиқариш учун муаллимлар энг оғир шароитларда ишлаётгани қайд этилган. Меҳри дарё, қалби куёш, устозлар қай тарзда бўлмасин, болалар етук бўлиб камол топиши учун фидойилик қилишапти.

Биз устоз деганда фақат хат-саводимизни чиқарган муаллим ёки мактаб, коллеж, олий ўқув юртидаги ўқитувчи-профессорларнинггина тушунмаймиз, албатта. Ҳаётда ўз йўлимизни топиб олишда кўмак берган, касб сирларини ўргатган, кўп йиллик тажрибасидан ёшларни баҳраманд этаётганларни ҳам улар қаторида эъзозлаймиз.

Навоий ҳазратларини шоир аҳли улуғ устоз, дея таърифлашади. Сабаби, бу буюк қалам соҳибининг ижодидан баҳраманд бўлган ҳар қандай инсон шундай дейишга ҳақлидир. Ички ишлар идораларида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар ҳам ёш ходимлар учун устоз, албатта.

Айни кунларда нафақада бўлган фахрийларимиз ўз даврида кўплаб шогирдлар етиштирган.

Кейинги йилларда ички ишлар ходимлари орасидан маҳоратли спортчилар ҳам етишиб чиқмоқда. Улар жаҳон биринчилиги олимпиада мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, муносиб ютуқларни қўлга киритиб, шода-шода медаллар билан қайтишапти. Бунда ҳам албатта устозларнинг хизмати беқиёс.

Яқинлашиб келаётган кутлуғ айём арафасида барча ўқитувчи ва мураббийларга қўлимизни кўксимизга қўйиб, яна бир бор таъзим қиламиз. Улар ҳар қандай эъзозга, ҳурматга лойиқ. Халқимизда ота рози-худо ризи, деган нақл бор. Шундай экан ота қаторида устоз розилигини олиш ҳам жоиздир. Зеро, бусиз шогирднинг униб-ўсиши мушкул.

## Ўзбекистон Республикаси барча ички ишлар идораларининг шахсий таркиби билан 2005 йилнинг IV чораги давомида ўтказиладиган Маърифат дарсининг намунавий мавзулар режаси

Т/Р	Мавзу	Ўтказиш вақти
1	Андижон воқеалари ҳушёрликка чорласин элли.	3 октябрь
2	Озон муаммоси ёки табиат инжикликлари	10 октябрь
3	Давлат тилининг миллат ривожига аҳамияти.	17 октябрь
4	Қарши, Насаф, Кеш – маърифат ўчоқлари. (Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдида.)	24 октябрь
5	Миллий армиямиз – осойишта ҳаётимиз асоси.	31 октябрь
6	Инсон – мукаррам зот. Инсонийлик одоби ва фазилатлари хусусида.	7 ноябрь
7	Театр – эзгулик санъати. У инсонга маънавий мадад, руҳий қувват бағишлайди.	14 ноябрь
8	Мухаммад Юсуф – муҳаббат куйчиси	21 ноябрь
9	ОИТС – аср вабоси. (1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни.)	28 ноябрь
10	Конституция – эрк ва тинчлик қомуси. 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун.	5 декабрь
11	Эркин Воҳидов шеърларида Ватан мадҳи	12 декабрь
12	Миллий урф-одатлар ва қадриятларимиз замирида демократиянинг мужассамлиги	19 декабрь
13	Асрнинг соғлом йили. (Сиҳат-саломатлик йили сарҳисоби.)	26 декабрь

Изоҳ: мавзулар "Постда" газетасида "Маърифат дарси" рўқни остида бериб борилади. Вазиятдан келиб чиқиб улар раҳбарият розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

## Юксак мукофот соҳиблари

Хаётда шундай инсонлар бўладики, ҳеч бир ишни қойиллатмасан-да, ўзини ишчандек кўрсатади. Куруқ гап билан бир пасда ҳамма нарсани дўндириб ташлайди, гўё. Ундайлар тезда эл назаридан қолади. Аксинча, орамизда катта-катта ишларни бажариб қўйиб, "вазифамиз-да", дея камтарлик қиладиган одамлар тезда обрў-эйтибор қозонади, ҳурмат топади.

Республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Валижон Тошматов сўзсиз ана шундай инсонлар сирасига киради. Ташқаридан қараганда оддий, камсуқум кўринган Валижон акани танимаганлар тугма изкуварлигига ишонмайди. Ҳанузгача спортчилар сингарии бардам-бақувват, соғлом жуссали бу инсон ички ишлар идораларида салкам 25 йилдан буён хизмат қилиб келяпти.



## МАШАҚҚАТЛИ ХИЗМАТ МЕВАСИ

... Тошкент туманида яшовчи Тошмат ака (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) ва Қумрихон аяларнинг хонадонидан еттинчи фарзанд дунёга келди. Валижон кенжатои бўлса-да, оғир, босиқ бўлиб вояга етди. Ўрта мактабни битириб, йигитлик бурчини ҳам ўтаб келди. Ёшлигидан спортга бўлган иштиёқ уни Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти сари етаклади. 1975 йилда ўқишни тамомлагач, Тошкент туманидаги техникумда спорт мураббийи сифатида иш фаолиятини бошлади. Оиласидаги муҳит, яъни, узоқ йиллар қишлоқ кенгаши раиси бўлган отаси уруш вақтида катта лейтенант унвонидан Ватанни ҳимоя қилганими ёки акаси Ғофиржоннинг изкуварлиги боисми унда шу соҳага қизиқиш уйғонди. Нияти ижобат бўлиб, 1981 йили Тошкент тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмасининг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича инспектор вазифасида хизматни бошлади. У тез орада раҳбарият назарига тушиб, катта инспектор, бўлинма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари голиблик шохсупасига кўта-рилдилар. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин ўчирувчиларига берилди. Мезбонларга учинчи ўрин насиб этди.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА,**  
майор.

Суратларда: амалий спорт мусобақаларидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

## ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

17-18 сентябрь кунлари "Жар" спорт-соғломлашти-риш мажмуида таэквандо (ITF) бўйича "Ёшларимиз терроризм ва гиёҳвандлик-ка қарши" шиори остида ўсмирлар ва катталар қизил ҳамда қора белбоғ соҳиб-лари ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўт-казилди.

Беллашувлар давомида 600 на-фардан зиёд спортчилар татамига тушишди. Жамоа ҳисобида Тош-кент, Бухоро ва Фарғона вилоят-лари вакиллари фахрли ўринлар-ни эгаллашди. Фолиблар 21-25 октябрь кунлари Сочидида ўтадиган Халқаро турнир ва кейинги йилда-ги Жаҳон чемпионатида йўлланма-ни қўлга киритишди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

## ГОЛИБ ФУТБОЛЧИЛАР

Андижон шаҳридаги "Ёшлик" стадионида 1989-1991 йилда тугилган ўсмир-лар ўртасида футбол мусо-бақаси бўлиб ўтди. Андижон шаҳар ички ишлар бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон шаҳар бўлими ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ша-ҳардаги 12 та маҳалладан 200 нафар ўсмир иштирок этди.

Турнир якунига кўра "Озодлик", Ал - Бухорий номли ва "Исломо-бод" маҳаллалари жамоалари фахрли ўринларни эгаллашди. Фо-либлар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақ-дирландилар. Жамоаларни шакл-лантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида пул мукофотлари ҳам берилди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Абдушукур АБДУЖАББОРОВ** ни 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Сафдошимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, яна кўп йиллар шогирдлари, сафдошлари ва фарзандлари бахтига даврамизни тўлдириб юришини тилаб қоламиз.

**Республика ИИБ ХТ ва ОАВАҚБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

\*\*\*

Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муасаса бошлиғи, подполковник **Фулом ИСРОИЛОВ** ни туғилган куни билан самимий кутлаймиз. У кишига узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт ҳамда хотиржамлик, машаққатли хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

## БИР КУЛИШАЙЛИК

**Аёл кўшнисига мақтанди:**

– Кизимнинг кўлини бирданига икки киши – обрўли тижоратчи ва ёш банк ходими сўради.

– Қандай яхши. Бахт қай бирига кулиб боқди?

– Банк ходимига, – деди аёлнинг шу яқин ўртада турган эри. – Чунки у тижоратчига турмушга чикди...

\*\*\*

– Хоним, айтингчи, сизни туртиб юборган автомашинанинг давлат рақамини эслаб қолдингизми?

– Йўқ. Аммо ҳайдовчининг эғнидаги тўқ жигаранг костюм қоматига ярашиб турарди...

\*\*\*

– Гувоҳ, айтинг-чи, уйга ўғри кирганини қандай билдингиз?

– Аввалига уни транспорт хизмати идорасидан бўлса керак, деб ўйладим. Аммо кўл ҳаракатларини кузатиб туриб гап нимада эканлигини англадим...

\*\*\*

Маҳоратли учувчи автомобиль сотиб олди ва шу куннинг ўзида автофалокат содир этди. ЙПХ ходими ундан бу қандай рўй берганини сўради.

– Кетаётган олдинда девор борлигини кўриб қолдим. Штурвални ҳар қанча ўзимга тортмай негадир машина тўхтамади...

\*\*\*

– Алло, бу ҳаммомми?

– Йўқ, хонадон.

– Мен, ҳаммомга кўнғироқ қилаётган эдим-ку.

– Лекин хонадоннинг телефонига уланиб қолдингиз.

– Нима, ҳаммом билан телефон рақамларингиз бир хилми?

– Йўқ.

– Нега унда ҳаммомга кўнғироқ қилганимда гўшакни кўтарасиз?!

\*\*\*

Пияниста-шифокор суҳбатидан:

– Дўхтир, майли, юрагим, жигарим, буйрагим азбаройи ичкиликнинг касридан ишдан чиққан бўлсин. Лекин чуррам тушишига бунинг нима дахли бор?

– Ҳар куни дўконга қоп-қоп бўш шиша таший-верганингиздан кейин тушади-да...

\*\*\*

**Биринчи апрель куни. Журналист кўчада ўтган-кетганлардан интервью олаёпти:**

– Кечирасиз, бугун кайфиятингиз қандай?

– Бор, тошингни тер!

– Қаранг, ҳар қадамда ҳазил, ҳар қадамда кулгу.

\*\*\*

Бир бола анҳорга тушиб кетди. Ҳамма ваҳимада, атрофда қий-чув. Шу пайт костюм-шим кийган, галстук таққан бир киши сувга сакраб, болани қирғоққа олиб чиқди. Боланинг онаси:

– Барака топинг, ҳақиқий эркак экансиз.

– Эркакликка эркакману, фақат ким мени сувга итариб юборганини билсам эди. Унгаям эркаклигимни кўрсатиб кўярдим.

# МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



**КҲЙ.** Душанба куни кўзланган мақсадга эришиш учун фаоллик кўрсатасиз. Кучгайратингизни сафарларга бориш, ўқиш ва билим олишга сарфлаганингиз маъқул. Қариндошларингиз билан боғлиқ ташвишлар ишдан бироз чалғишингизга олиб келади. Пайшанба кундан бошлаб талайгина муаммолар ҳал этилади. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз ва дўстларингиз билан кўнгилли ҳордиқ чиқарасиз.



**СИГИР.** Сешанба ва чоршанба кунлари саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг. Пайшанба куни яхши натижаларга эришасиз. Аммо ҳафтанинг иккинчи ярмида юзага келган муаммони ҳал этиш учун бор маҳоратингизни ишга солишингизга тўғри келади. Жума куни кўлга киритиладиган маълумот келгуси режани белгилаб олиш имконини беради.



**ЭГИЗАКЛАР.** Янги амалий ҳамкорлик ўрнатасиз. Аммо шерикларингиз билан бир-бирингизни тушунишингиз қийин кечади. Миянгида туғилган гоёлар туфайли пайшанба ва жума кунлари муваффақиятга эришасиз. Якшанба куни жиддий ишларга киришаверинг, сизни кўллаб-қувватлашади. Ишбилармон кишилар билан мулоқот туфайли талайгина режаларингиз амалга ошади.



**КИСКИЧБАҚА.** Душанба ва пайшанба кунлари муҳим вазифаларни бажаришингизга тўғри келади. Мазкур ҳафтада саломатлигингизни тиклаб олиш учун кўпроқ ҳордиқ чиқаринг. Дўстлар билан мулоқотдан катта маънавий озуқа оласиз. Сешанба ва чоршанба кунлари харидлар қилмаганингиз маъқул. Ҳар қандай ишларга киришиш учун якшанба қулай кундир.



**АРСЛОН.** Ушбу ҳафта жуда зерикарли ўтади. Шу боис сафарга жўнанг ёки меҳнат таътилига чиқинг. Айрим гоёларингиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Душанба ва жума кунлари ҳаётдан катта завқ оласиз. Ҳафтанинг сўнгги кунлари шахсий муносабатларда юзага келган келишмовчиликлар мавқеингизга салбий таъсир кўрсатади.



**БОШОҚ.** Даромад топиш имконини берувчи режа ишлаб чиқасиз. Муносиб ютуқларга эришиш учун керакли маълумотни кўлга киритишингизга тўғри келади. Мавқеи юқори бўлган инсон фойдали маслаҳатлар беради. Жамоа бўлиб иш бажариш имконияти бор.



**ТАРОЗИ.** Молиявий ва мулк билан боғлиқ ишларга киришмай турганингиз маъқул. Совға-саломлардан ҳам воз кечинг. Кўплаб баҳсларда қатнашиб, адолатли фикр билдирасиз. Якшанба кунгача муҳим масалалар юзасидан бир қарорга келмаганингиз яхши.



**ЧАЁН.** Молиявий масалалар ҳал этилмаслиги ва саломатлигингиз бироз панд бериши руҳингизга таъсир кўрсатади. Хаёлингиздан рақобатчилар кетмай қолади. Шунга қарамай яқинларингизга эътибор беринг. Пайшанба куни муҳим лойиҳаларни муҳокама қилишингиз ёки обрўли одамлар билан алоқа боғлашингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.



**ЁЙ.** Ҳамкорларингизга берган ваъданингизни бажариш учун фаоллик кўрсатишингизга тўғри келади. Иш ёки турмушда юзага келган айрим камчиликлар туфайли атрофдагилар билан муносабатлар бироз ёмонлашиши мумкин. Бироқ ажойиб инсонлар билан мулоқотдан кайфиятингиз кўтарилиб, арзимаган нарсаларни унутасиз.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ўз гоёларингизни ривожлантириш ва белгиланган режаларни амалга ошириш учун қулай даврдир. Бу айниқса, чоршанба кундан бошлаб сезилади. Дам олиш кунларига бориб сизнинг тарафдорларингиз кўпаяди. Ташаббусни ўзгаларга бериб кўйишдан асло чўчиманг. Улар орқали янги алоқалар ўрнатиб оласиз.



**ҚОВҒА.** Сизни жамоадаги муносабатлар кўпроқ ташвишга солади. Гоёларингиз кучли бўлса-да, маълум вақт ўтгандан кейин тан олинади. Душанба ва жума кунлари талайгина масалаларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Яхши харидлар кутилмоқда.



**БАЛИҚ.** Яқинларингиз билан ишлар юзасидан маслаҳатлашиб оласиз. Қарз билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишингиз, ота-онанингизни йўқлашингиз, кўчмас мулкка оид ҳужжатлар устидан ишлашингиз мумкин. Якшанба куни кайфиятингиз кўтаринки бўлиши вазият сиз томонга ўзгаришига олиб келади.

### «Маънолар маҳзани»

#### ЁЗУҒЛИККА ЙЎЛ БОРМИ?

(ёзуғ – гуноҳ, айб) Ўз элида ё оиласида бирор айб қилиб қўйиб, қўрққанидан ёки иснодга чидай олмаганидан бош олиб чиқиб кетган одам бир қанча вақт бошқа ерларда юриб, ахири бир кун айбини бўйнига олиб қайтиб келганда, яқин қариндош ё яқин дўст узоқ вақт кўринмай кетиб, бир кун қайтиб келиб, эшикдан кираётганда: “Айбдорни қабул қиласизларми?” ёхуд “Айбдор учун (сизлар томон) йўл очикми?” деган мазмунда шундай дейди.

#### ЁЛЧИДАН ЁЛИҚСАНГ, ҚАРЗДОР ҚИЛ

Ёлчи – ёлворувчи, ҳадеб у-бу нарса сўраб келувчи шилқим одам. “Шундай одамдан ёлиқсанг (яъни, безор бўлсанг), унга бир нима бериб, қарздор қилиб қўй, “қарзини сўрайди” деб, келмай кетади, ўзини сендан олиб қочиб юради”, дейилмоқчи.

#### ЁЛГИЗ ҚЎЙНИ ҲАЙДАШДАН ХУДО САҚЛАСИН

Ёлғиз қўйни ҳайдаб бирор ерга олиб бормоқчи бўлган киши ниҳоятда қийналади. Чунки қўй ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа қочмоқчи бўлиб, эгасини судраб, ўз кетидан югуртириб, тоза овора қилади. Мазкур мақолни шундай аҳволга тушган одам ва унга ачинган одамлар айтадилар.

#### ЁМҒИР ТИЛАСАНГ, МОМАҚАЛДИРОҒИДАН ҚЎРҚМА

**Мазмуни:** “Бир фойдали нарсага эришиш йўлида унинг меҳнат-машаққатидан қўрқма, бардошли бўл”, дейилмоқчи.

#### ЁНИДАГИНИ ЕТТИ ЙИЛ ҚИДИРИБДИ

Ўта муболаға билан айтилган бу мақолни анқов, овсар, хаёли паришон, хотираси ёмон одамларга нисбатан кулги тариқасида қўллайдилар. Вариант: “Олдидагини олти ой қидирибди”.

#### ЁНҒОҚ МИНГ ЯШАЙДИ, АРЧА БИЛАН ТЕНГ ЯШАЙДИ

Мутахассисларнинг аниқлашича, турли мевали ва манзарали дарахтлар турлича умр кўради: Масалан, олча бор-йўғи 18-25 йил умр кўрса, анжир ва ёнғоқ 90-100 йил умр кўради. Профессор М. Орифхонованинг ёзишича, “Дунёда арчанинг 47 тури, МДҲда 20, Ўрта Осиёда 8, Ўзбекистонда эса 3 тури (булар “Ўрик арча” ёки “Туркистон арчаси”; “Қизил арча” ёки “Зарафшон арчаси”, “Совур арча” ёки “Ярим шарсимон арча” деб аталади) мавжуд. Ўрик арча минг йилгача умр кўради”. Юқоридаги мақолда “Ёнғоқ – узоқ умр кўрувчи дарахт” деган фикрни муболаға билан изҳор қилганлар.

## Ҳар кимки жафо қилса...

**Шанба кунлари Хиванинг тахта бозорида одам унчалик кўп бўлмаса-да, ҳар қалай аравакашлар учун иш топилади. Кимдир шаҳардаги уйига бир-икки қоп оҳак ёки алибастр ва шунга ўхшаш қурилиш молларини элтиб беришни илтимос қилади. Албатта, текинга эмас. Шундай экан аравакашлар нолишса бўлмас, шунга яраша кунлик тушим ҳам бор.**

Кўшкўпир тумани "Тошкент" фермерлар уюшмасида яшаган Қудрат тоғни урса толқон қиладиган йигит. Эндигина 23 ёшда. Айни ишлайдиган пайти. Аммо ишлаб на ўзи, на уйдагилари ёлчишди. 23 ёшида ундан ҳамма безор. Жабр кўрмаган кўшни, ҳатто қариндошини топиш қийин. Кутилмаганда унинг ишга бораман, деган қарори энг аввало ота-онасини хурсанд қилди. "Ҳар қалай боламиз инсофга келибди". У Хивадаги бир хонадонда ётиб, ишлади. Бироқ шунча йил соя-дек эргашиб келган дангасачилик, меҳнатдан қочиш каби иллатлар яна унга панд берди. Фикру ёди тер тўкмасдан бойлик топишда. Энг ёмони, шу ерда у қотиллик режасини тузди.

Аравакашлар орасидаги сал энкайиб юрадиган, ногирон Ойбек Абдуллаевни бозорда танимайдиган одам йўқ. Маткарим Абдуллаевнинг хонадонидан тўрт ўғил ва бир қиз вояга етди. Ойбек оилада тўртинчи ўғил. Унинг яхши бир хислати бор эди. Мижоз билан пул устида талашиб-тортишиб ўтирмайди. Тили ширин.

— Ака, кўнгилдан чиққанини беринг. Шуниси бизга ҳалол, — дерди. Фақат гапирганда бир оз дудуқланиб, қийналиб гапирарди.

Қудрат Қаландаров бекорга Ойбекни танламади. Содда ва ҳар гапга ишонувчан бу йигит ўта ювош бўлиши билан ногирон, ожиз, ўзини ҳимоя қилолмасди.

— Урганч тумани "Беговот" ширкат хўжалигида 200 килограммга яқин шолим бор олиб келиб берасанми? — деб сўради ундан Қудрат. Ҳар доимгидек Ойбек мижозидан пули ва манзилни суриштиради.

— Хизматдан қочиш йўқ ака, кетдик, — деди.

От арава соат 14.00 ларда белгиланган манзилга етиб келди. Асфальт йўл қолиб, кумлик сари кириб кетишди.

— Мен бу ерларни яхши биламан, хонқаликларнинг (Хонқа туманида яшовчилар демокчи) шолисини ўриб бериб, 200 килограмм шоли олганман, — дебди Қудрат. — Ҳозир шу шолини олиб келишлари керак. Шундай дея уни кумликда кечгача ушлаб ўтирди. Соат тахминан 22.00 лар чамаси эса Қудрат Ойбекка:

— Кетавер, юк келмади, — деди.

— Қуни билан ушлаб ўтирдингиз ака, ҳақимни

беринг, — деди Ойбек ялиниб.

— Кет бу ердан бўлмаса ўлдираман, — деб пўписа қилди Қудрат. Шундан кейин Ойбекнинг ҳам жаҳли чиқди.

— Номард, нокас экансиз, — деди.

Унинг гапи оғзида қолди. Кутилмаганда бошига келиб теккан тахта зарбидан саксовулга суяниб қолди. Шу-шу Ойбек қайтиб турмади. Унинг қулоғи остидан сачраган қон қотил Қудрат Қаландаровнинг шимига тегди. Жабрланувчи қулоғи остига етказилган зарбадан кўп миқдорда қон йўқотиб, воқеа жойида жон таслим қилди.

"Август ойининг охирида Беруний тумани "Гулистон" ширкат хўжалигида аравада киракашлик

юрувчи Карим исмли киши ёшроқ йигит билан уйимга сотиш учун от-арава олиб келди. Йигитнинг исмини, қаерданлигини суриштирдим. Кўшкўпир тумани "Тошкент" фермерлар уюшмасида яшар экан. От-аравани 170 минг сўмга келишдик. Ёнида паспорти бўлмаганлиги учун аввал 50 минг сўм, қолган пулини сентябрь ойининг бошларида паспортини кўрганимдан кейин бериб юбордим". (Гувоҳ О. Хўжаниёзовнинг суддаги кўрсатмасидан).

Ҳаёт тажрибасидан шу нарса маълумки, қотил жиноят изини яшириш учун албатта кўздан ғойиб бўлади. Қудрат Қаландаров ҳам худди шу йўлни танлади. Жиноятнинг очилиши қанча чўзилаверса вақт жиноятчининг фойдаси учун ишлайди. Кун ўтган сари излар босилиб кетаверади. Аммо жиноятчи марҳум Ойбек Абдуллаевнинг ота-онаси ўғлини қидириб юрганлигини эшитиб, чўчиди. "Наҳотки, ўлмай қолган бўлса. Ички ишлар бўлимига бориб, ҳаммасини айтиб бериши мумкин" — ўйлади у. Шу хавотирда уйдагиларидан рухсат олиб, қўшни республикада ишлаб юрган қариндошлари томон йўл олди. Мақсад ишлаш эмасди...

Орадан икки ой ўтиб, у яна Хоразмда пайдо бўлди. У ердан икки бармоғини бурнига тикқанча қуруқ қайтди. Ахир меҳнат қилса пул топади-да. Яқинларига барча пулларим ҳайдовчиларда, тезда келиб қолади, деб баҳона қилди.

Қудрат уйдан чиқиб, яна бир гараз ниятини амалга ошириш мақсадида тўғри "Ғойбу" қурилиш моллари бозорига борди. 12-13 ёшлардаги ёш аравакаш боланинг олдига келиб, Беговотда 300 килограмм гуруч бор, келтириб берсанг 7 минг сўм бераман, деди. У эса 8 минг сўм берсангиз, бориб келаман, дея жавоб берди. Иккови келишгач, йўлга тушишди. Қудрат худди биринчи қотиллик каби Зокир Юсуповни ҳам шу кумликка бошлаб келди.

— Ҳеч қанақа гуруч йўқ, болакай. Менга сенинг отинг керак. Тушундингми? — деди Қудрат.

Ожизгина Зокиржон Қудратнинг важоҳа-

тушса ҳам келавермаганидан хавотирга тушган яқинлари зир югуриб ахтаришаётганди. Улар барча қариндошларникига кириб чиқишди. Топишолмади. Ягона нажот — ички ишлар бўлимига бориб, бор гапни айтиш эди.

Юқоридаги қотиллик барча ички ишлар ходимларини оёққа турғазди. От-арава игна эмаски, йўқолса, тополмасалар. Яна шу куни Зокиржон бозордаги аравакашларга Урганч туманига йўл олганини айтганди. Уни албатта кимлардир кўрган бўлиши лозим. Туман ички ишлар бўлимига жиноятга гумондор деб ҳисобланган барча кишилар олиб келиб сўралди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида унинг жасади Беговот кумликларидан топилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасида қотилликни

**АКАЖОН!**  
**МЕНИ ЎЛДИРМАНГ!**

тидан кўрқиб:

— От керак бўлса олиб кетаверинг, — деди.

— Сени қўйиб юборсам, милицияга бориб сотасан, — дея ёнидан пичоқ чиқариб, Зокирнинг бўйнига тикиб олди. Зокир тиз чўккалаб йиқилди. Шундан кейин Қудрат унинг икки оёғидан ушлаб, дарахтлар орасидан ариқ томонга 30-35 метрларча судраб борди. Зокир эса судралиб бораётган ерида Қудратдан уни ўлдирмай қўйиб юборишини ёлвориб сўради. Қудрат судрашдан тўхтади.

Боланинг жавдираган кўзлари ундан шафқат сўрарди. Ҳар қандай бағри-тош одам шу тобда болага раҳми келиб, қўйиб юборарди. Аммо Қаландаровнинг қалби меҳрга эмас, ёвузликка тўлганди. У Зокирнинг чап ва ўнг биқинларига кетма-кет пичоқ санчаверди. Қонга ботган пичоғини Зокирнинг қўйлак ва шимларига артди. Аммо қон қотиб қолганлиги учун яхши кетмади. Тубанлик шу даражага бориб етдики, жон талвасада ётган Зокирнинг бир пайпоғини ечиб олиб, қолган доғларни унга артди. Зокир эса ҳириллаганча на ота-онаси, на яқинлари билан ризолашолмай Беговот кумида жон берди. Жиноятчи биринчи қотиллик каби гўё ҳеч нарса рўй бермагандай аравани Урганч шаҳри томонга бурди...

Бу пайтда Зокиржон кеч

очиш борасида талайгина ишлар қилинди. Жумладан, барча гумондор шахслар ўрганиб чиқилди, сўраб-суриштирилди. Гувоҳ С. Эгамберганова марҳум Зокиржон Юсупов билан ҳамқишлоқ. У 21-ноябрь куни Зокиржон ҳайдаб юрадиган от-аравани Урганч шаҳридаги марказий алоқа уйи чорраҳасида кўрганлиги, лекин унда бошқа биров ўтирганлигини айтади. Вилоят ИИБ катта тезкор вакили, капитан Баҳодир Полвонов, Урганч тумани ИИБ ЖТСГ катта инспектори, капитан Ҳасанбой Эшжоновлар тезкор маълумотлар асосида от-арава қўшни Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида сотилганлигини аниқлашди.

"Мен от-араваларни сотиб олганлигимдан асло тонмайман, — деди Олимбой Хўжаниёзов. — Аммо бу савдонинг тагида қотиллик ётганини билмадим. Кейинги от-аравани ҳам олмоқчи эмасдим. Қудрат "ака МТЗ-80" русумли трактор сотиб олдик, энди бизга араванинг кераги йўқ" деб ишонтирди. 500 минг сўмга баҳолади. Мен 280 минг сўмга берсанг оламан, деганимдан кейин сотди".

Олимбой акани қоралашдан йироқман. Жиноятчини яқиндан билмагани балки ростдир. Аммо от-аравани сув текинга сотаётганида, бунинг тагида қандайдир жиноят яширинмаганмикин, деган хаёлга бормаганига ҳайрон

қоласан. Ахир қайси бир замонда отни молдан арзон сотишган. Шу пайтлари бозорда молнинг олди 200-300 минг сўм бўлса, отнинг арзони 250-300 минг сўм атрофида эди-да. Савдо-сотиқнинг ҳадисини олган Олимбой Хўжаниёзов нега шуларни эътиборга олмагани бизга қоронғу. Лоақал бу ҳақда ички ишлар ходимларига гапирмади ҳам. Бу ёғи унинг виждонига ҳавола. Судда алам билан сўзлаган Зокиржоннинг отаси Раҳимбой аканинг кўз ёшлари қалбимизни эритиб юборди.

"Оилада уч ўғил ва уч қизни тарбияладик. Ўғилларим Тоҳиржон ва Зокиржонлар тўрт йилдан бери "Ғойбу" қурилиш бозорида аравакашлик қилиб, рўзгорга унча-мунча пул топишарди. Зокиржон Урганч шаҳридаги нафис санъат гимназиясининг 9-синфида таълим олиб, келгусида рассом бўлишни орзу қиларди. Ўзига китоб, дафтар, қалам сотиб олишга пул топиш учун дам олиш кунлари аравакашлик қиларди. 2004 йил 7 ноябрь куни Россияга ишлагани кетдим. 22 ноябрь куни уйдан кўнғироқ қилиб, Зокиржон автохалокатдан ўлди, деган мудҳиш хабарни етказишди. Хабарни охиригача эшитмадим. Йиқилиб, хушимдан кетдим. У ердан қандай уйга етиб келганимни билмайман. Нима бўлганини аниқ билгач, Қудрат Қаландаровдек одам қиёфасида юрганларга нафратим янада ортди".

Аслида биз ўзимизга нисбатан лоқайдмиз. Қудрат Қаландаровдек ҳиссиз махлуқлар осмондан тушмайди. Улар ҳам бизнинг орамиздан чиқади. Бир иқлимда, бир ҳаводан нафас олишади. У бирданга жиноятчи бўлиб ҳам туғилмаган. 1999 йилда у ўғирлик қилгани учун жиноий жазога тортилган. Жазо аслида унга сабоқ бўлиши зарур эди. Бироқ йигитча бундан тўғри хулоса чиқариб олмади. Қолаверса, ота-онаси, маҳалладагилар ҳам инсоф кириб қолар, дея унинг тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Нима бўлганда ҳам Қудрат Қаландаровдек инсоний қиёфасини йўқотганлар жиноятларига яраша тегишли жазо олишлари лозим. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг очик суд мажлисида унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, ҳукм ўқилди.

Бу фожиали воқеалар ҳар биримизни янада огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди. Токи, ҳеч бир оила фарзанд доғида куймасин.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

## Турмуш чорраҳаларида

**Кўйида баён этилаётган воқеа ҳаётдан олинган. Фақат унинг иштирокчилари кўнглига биллиб-билмай озор етказиб қўймаслик учун, исм-шарифларини ўзгартиришга қарор қилдик.**

**Рашида кўнглидагидек турмуш кечираётган эди. Шириндан ширин қизчаси бор. Умр йўлдоши топармон-тутармон, мяхрибон ва жуда оилапарвар. Гарчи қайнона-қайнотаси, қайиника, қайинсингиллари билан бир ҳовлида яшаса-да ҳеч қачон санманга боришмаган. Кутилмаганда турмуш ўртоғи Комилжон оғир дардга чалиндию, шу-шу ўнганмади. Бу қандайин бедаво дард эканки, на тиббиёт, на табобату, табибларнинг "тиши ўтмаса"...**

Комилжоннинг ўлимидан сўнг Рашида бу хонадонда ортиқча эканлигини сизди. Қайнота-қайнона ҳам кетар чоғида "қолинг, ўғлимдан ягона ёдгорлик Камолахонни бегона қилманг" дея кўпма кўпма олишмади. Кўч-кўронига қўшиб, қизчасини маъюс етаклаб кирган Рашидага ўз уйи ҳам бегона туюлди. Айниқаса, эри билан келганида ўтказгани жой тополмай, айланаб-ўргиллаган янгасининг аввал хушламай, бора-бора кўрс-дагал муомаласи ич-этини тирнарди. Бир куни эса:

– Сенларни деб болаларимнинг ризқи қийилди. Текин еб ётгунча ишласангиз бўлмайди-ми... Ётиб еганга тоғ чидаш бермайди, – дея идиш-товокларни тарақлатиб уриб, зарда қилиши жон-жонидан ўтиб кетди.

Тенги чиқса узатиб юборармиз, дея эшикка термилиб, йўл пойлаган ота-онанинг умид чироғи сўнаверди. Иккинчи бор турмуш қуриб, бахтли яшаб кетганлар камми? Ҳар ҳолда ўз оиласи, рўзғори, ёнида суянадиган тоғи бўлгани яхши-да.

Лекин пешонага битмаса на илож. Йўқни йўндириб бўлмас экан. Кўчага чиқса, бузилиб кетади, турли миш-мишларга қоламан, дея Рашидани ишлатмай ўтиришганим унинг бахтини очмади. Ота-она ўлимидан сўнг аёл туғилиб ўсган уйда энди ўзига жой йўқлигини англаб етди. Акасининг: "Янганнинг қош-қовоғига эътибор берма. Ҳеч қаёққа кетмайсан, ўзим қарайман сенларга" дея қатъиятсизроқ айтган сўзларига қарамай, қизчаси билан бошқа жойда яшашга аҳд қилди. Ноилож қолган ака ота-онасидан қолган озгина жамғармага ўзиникини қўшиб, етмаганига қарз кўтариб чеккароқдан бўлсаям чоғроққина уй олиб берди. Рашида беш яшар қизчасини кечаю-кундузи ишлайдиган боғчага жойлаштирди. Аввалига шанбани кутмай имкон топилди, дегунча уни уйга олиб кетаётган Рашида вақт ўтиши билан ҳафтада бир келадиган бўлди.

Камола ҳар сафар уйига келганида бирон бир жиҳоз янгиланганини кўрарди. Юмшоқ диванлару пар ёстиқлар, қандиллару гиламларга тўлиб, шинам ва кўркамлашиб бораётган уйдан қизчанинг сира кетгиси келмасди.

Мақтабга чиқсам, аяжоним билан бирга яшаймиз, деб ўйлаган Камола мактаб ҳам кечаю кундузги эканлигини билгач, кўнгли вайронага айланди.

– Сен ўзинг ақли қизимсан-ку. Биласан, мен ишлашим керак. Ишламасан бизни ким боқади? Манавинақа чиройли кўйлақлару туфлиларни ким олиб беради, қизим?

– Керакмас менга булар, керакмас! Мен мактабда қолмайман, – деди Камола онасини кўйиб юбормай.

– Агар аъло баҳоларга ўқисан, албатта уйга олиб кетаман.

– Ростданми? Алдамайсан-а?..

– Сени алдаб бўларканми.

Камола сўзида турди. Фақат аъло баҳоларга ўқий бошлади. Унинг тиришқоқлиги, сабр-бардошига кўпчилик ҳавас қиларди. Ҳар сафар шанба куни аяси билан қадрдон уйига қайтаркан, биринчи навбатда кундалик дафтари кўрсатишга шошарди. Варақларни тўлдириб тур-

ган "аъло" баҳоларидан фахрланиб, ёдлаган шеърларини ўқиб бераётган Камола аяси унинг ютуқларига бефарқ эканлигини сезмасди. Ақалли бирон марта кучиб, эркалаб мақтаб қўймаётганига эътибор бермасди. Якшанба куни кечгача уйда қолиш имкони бўлса-да аяси уни тушга қолмай интернатга элтиб кўярди.

– Камроқ ишланг. Майли, ар-

зонроғини, эскироғини қияй, фақат эртароқ олиб кетинг, – дея ёлворишига қарамай аяси ишни баҳона қилиб тезда жўнаб қоларди.

... Ушанда еттинчи синфда ўқиётганди, чоғи. Хадеганда аяси келавермагач, қизча тарбиячига ялина бошлади:

– Ўзим кета қолай, ахир катта бўлиб қолдим-ку. Адашиб қолмайман. Хўп, дея қолинг, эртага қайтиб келаман. Эҳтимол аяжонимнинг товлари қочгандир. Йўқ деманг, жон опа-жон...

Мастура қизчанинги ёлворидан кўнгли бузилди. Аммо бирон қор-қол юз берса-чи? Чунки ҳали бола-да. У жавобгарликни зиммасига олгиси келмай қизчани мудиранинг хонасига етаклади. Камоланинг жиддий, оқилаллигини билган мудира "бир ойдан бери аяси келмади" деган гапни эшитгач, "майли, фақат ўзингиз олиб бориб, онасининг кўлига топшириб келинг", деди.

Камола ҳеч бир қийналмай йўл бошлаб борди. Тарбиячи онасининг кўлидан ушлаб келаётган Камола уйига яқинлашгач, югуриб кетди.

Мастура очик эшикдан ичкари кирганда Камола серрайиб турарди. Ҳовлидаги сўри тагига стол-стуллар қўйилган. Усти тўла ноз-неъмат. Сал четроқда бир нечта майкачан эркалар кабоб пиширишар, аёллар эса хиринг-хиринг қилганча уларнинг атрофида парвона. Уй ичидан кучоқлашганча бир аёл билан эркак чиқиб келди. Аёл ҳовли ўртасида қаққайиб турган нотаниш аёл ва қизчани кўраркан, юзидаги кулгудан асар ҳам қолмади. Шошилиб эркакнинг кучоғидан чиқдию, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлиб, тезда уларнинг олдида пайдо бўлди.

Аёл ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга уриниб, қизининг юзидан ўпиб, бағрига босар экан, тарбиячи аёлни дастурхонга таклиф этди. Аммо у бу

ерда нималар бўлаётганини эшикдан кирган захоти фаҳмлаган, шу боис бу хонадондан тезроқ чиқиб кетиш йўлини кидираётганди. Тарбиячи кўрсатилган илтифот учун раҳмат айтганча ўзини кўчага урди. Бирон зог кўрмадимикан, деган хавотирда ён-верига аланглади. Аясини таний олмай, бегона эркаку аёлларга каловланиб қараб турган Камолани кўз олдида келтирдию, ич-ичидан ачиниб кетди.

Илон оғзида емиш олиб келмас-да, биров озор бериб қўймадимикан, деган ўйда бирров болаларидан хабар олиб кетаркан. Бу боёқишларнинг айби нима?! Мастура интернатдаги айрим болаларни кўз олдида келтирар экан юраги ўртаниб кетди.

Баланд овозда ҳазил-мутуйиба қилаётган эркаклару, бўлар-бўлмас гапларга хиринглашиб

йўғидан айрилиб қолган, ичини ёритиб турган чироқ ўчгану, борлигини суяб турган устун қулагандек эди, гўё. Агар уйга келмаганида буларнинг биттасидан ҳам айрилмаган бўларди. Нега келди-я, нега...

Биринчи марта, ундан кейин ҳам Камола шанба кунни кутмади. Энди у кунларни шоширмас, билим олишга интилмас, "аъло" баҳолар, "аъло" хулқ... ҳаммаси ўз маъносини йўқотганди унинг учун.

Кизалоқдаги бу ўзгариш мураббийларни бефарқ қолдирмади. Бу ёшда қалбнинг яраланиши жуда хавфли эканлиги, буни шундайлигича қолдириш қизча ҳаётини барбод этиш билан баробарлигини англаган синф раҳбари воқеа тафсилоти билан қизикди. Гап нимадалигини билгач, у билан жиддий суҳбатлашди.

# Б О Й Б Е Р И Л Г А Н Б А Х Т

кулаётган аёлларнинг ҳам негадир машқи пасайиб, кайфиятлари тушиб кетди. Улар кетишгач, Камола билан ёлғиз қолган Рашида ундан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига дашном бера бошлади.

– Нега ўзбошимчалик қилиб келдинг? Сенга ўзим олиб келаман демаганми-дим. Анави

Камола тезда ўзини кўлга олди. Онасининг изидан бориш номақбул эканлиги, бахтли яшаши фақат ўзига боғлиқлигини англаб етди...

\*\*\*

– Камола Комиловна, мана бу кечаги хатлар, мана буниси шошилинч, – деди котиба қиз бир даста хатлар солинган йиғмажилднинг стол устига кўяркан.

– Раҳмат. Агарда алоқа бўлса, мени Нукус билан уланг? Яна бир илтимосим, эртага бўладиган кўрғазмага польшалик ҳамкорларимизни чақиришни унутманг.

– Хўп бўлади.

У хатларни кўздан кечираётганда хонага котиба қиз кирди.

– Камола Комиловна, сизни шифохонадан сўрашяпти, – деди.

– Майли, уланг-чи... У шифохонага учиб келди гўё.

– Доктор, менга бор гапни айтинг, жароҳат жиддий эмасми, ахволлари қандай?

– Сизни тинчлантирадиган бирор жўяли гап айта олмайман. Наҳот ёлғиз Аллоҳдан. Агар организм бакувват бўлса, ҳеч гап эмас.

Палатага кирган Камола ҳаммаёғи бинт билан танғиб ташланган аясини кўрдию ўқиб йиғлаб юборди. Туни билан мишмаш қоқмай уни энг яхши шифокорларга кўрсатиши, керак бўлса бор виситини сотиб, чет элга олиб бориши, аяжонисини албатта оёққа тургазишини ўйлаб ёнида тураркан саҳарда мудроқ босди. Уйқусида кимдир унинг сочларини силарди. Йўқ, тушида эмаскан. Аяси ўзига келиб, унинг сочларини бемажол қўллари билан оҳиста силаётганди. Тушга бориб, аяси сал ўзига келди. Докторларда умид пайдо бўлди.

– Худо хоҳласа хавфли вазиятдан эсон-омон чиқди. Асталик билан шифо топиб кетади.

Камола бу хушxabардан ўзини

кўярга жой тополмай қолди. Пешинга бориб, аяси тетикланиб, аниқ-таниқ сўзлаб бошлади.

– Камола, жон қизим, мени кечир! Мен сенга жуда кўп озор бердим. Тирик бўла туриб, тирик етим қилиб, ўз холинга ташлаб қўйдим. Мени кечир, қизим. У дунёга оғир гуноҳни ортиб кетмай, "кечирдим"де...

– Аяжон, нималар деяпсиз? Биз ҳали бирга яшаймиз. Невараларингизни ўзингиз катта қиласиз. Тўйларига бош-қош бўласиз. Нима гуноҳ қилибсизки, сизни кечирмасам... Бу ҳақда ўйламанг, сизга кўп гапириб мумкин эмас. Дам олинг.

У аясининг ёнида юзларига термилиб ўтираркан, Яратгандан фақат шифо тилар, шунча йиллар қандай яшагани ҳақида ўйларди.

Рашиданинг бахтига қизи институтга кириб, ётоқхонада яшади. У эса навбатдаги жазманининг алдовларига учиб уйини сотиб ҳеч вақосиз қолди. Ижарама-ижара юриш жонига тегиб, жазманидан пул талаб қила бошлаганда у "сенинг фоҳишалигингни институтга бориб айтаман. Қани, ўшанда қизинг қандай бош кўтариб юрар экан?", деб кўрқита бошлади. Шундай қилиб йиллар ўтди. Рашиданинг чиройи кетди, ёшлиги ҳам. Бир куни жазмани янги гап топиб келди;

– Қизинг, фирмада ишлаётган экан. Кимсан фирма директори-я... Уларда пул кўп бўлади. Онасисан-ку, бор пул сўра, – деди сурбетларча.

Рашида қизининг иш жойини билгач, жуда кўп марта бу даргоҳга келди. Аммо... Узокдан туриб Камолани кўрди, кузатди. Унинг қанчалар улугвор, ишбилармон, саранжомлиги, ақлига тасаннолар айтди. Иқболга югуриб, уни бағрига босишга эса ботинолмади. Ўз аҳволи, қилмиши бунга сира йўл бермади. "Кечирмайди", дея кўрқди. Ахир қизининг бу даражага эришишида унинг қандай меҳнати, ҳиссаси бор? Қизининг бахти, муваффақиятига шерик бўлишга ҳаққи борми ўзи!

У эса гўёки ҳеч нарса бўлмаганидек кечаю кундуз ёнимда. Дўхтирларнинг айтишича, ҳеч қаерда йўқ дори-дармонларни ҳам зумда етказиб келганмиш. Барака топсин. Илоё, бахтини берсин.

Камола аясининг кўнглидан кечаётган гаплардан мутлақо беҳабар, фикру-зикри фақат аяжонисини оёққа тургазиш, қариган чоғида хизматида бўлиш эди. Автоҳалокатда икки кишининг ҳалок бўлиб, онасининг тирик қолишини ўзига Яратган томонидан берилган "бебахо инъом эканлигига ишонар, шу боис онаси тузалиб кетишига шубҳа қилмасди. Она-бола у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

– Қизим, уч кундан бери ёнимдасан. Бориб уйингдан хабар ол. Мен яхшиман, бора қол, – деди онаси.

– Мен кечки овқат қилиб келай, кўнглингиз нима тусайди, аяжон. Невараларингизни ҳам олиб келаман.

Она уни жилмайиб кузатиб қўйди. Камола иссиқ овқатни дастурхонга ўраркан фарзандларини шошира бошлади. "Кийимларига яна бир разм соларкан, ўзларини қандай туттишлари, нима деб ҳол-аҳвол сўрашлари ҳақида тушунтирди. Аммо шифохонага яқинлашган сари юраги қинидан чиққудек бўлиб ҳапқира бошлади.

Палатага кирганида бир нечта шифокорлар аясининг атрофида уймалашаётганини кўрди. У жон ҳолатда талпиниб каравотга яқинлашди. Рашида зўр-базўр кўзини очиб: "Мени кечир, қизим" дедию, шилқ этиб бошини ён томонга ташлади...

Мухаббат ИБРАГИМОВА.

Қилмиш – қидирмиш

# АМАЛГА ОШМАГАН ҚОТИЛЛИК

**Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармасида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида тунги гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш одат тусига кириб қолди. Табиийки, бундай тадбир ўз самарасини берапти.**

... Ярим кечада, ҳамма ором олаётган паллада ўткир ёғдуси тун пардасини йиртиб келаётган "Тико" русумли автомашина тунги гуруҳ ходимларини бифарқ қолдирмади. Боз устига, автомобилнинг давлат белгиси йўқ эди. Шу боис улар тунги йўловчиларни тўхтатиб, текшириб кўришга қарор қилдилар. Улар машина эшикларини очиб, салон ичига кўз югуртирган заҳоти шубҳалари ноўрин эмаслигини ички туйғу билан ҳис этишди.

Дастлабки суриштирувлар чоғида аён бўлишича, Кувасой шаҳрида истиқомат қилувчи уч шахс бир аёлнинг номусига тегишадди. Ҳайвоний ҳирслари қондирилгач, қилиб кўйган ишларининг оқибатини кўз олдларига келтириб типирчилаб қоладилар. Ўйлаб-ўйлаб жабрланувчининг баҳридан ўтишга қарор қилишади. Улар жи-

ноят изини йўқотиш мақсадида аёлни шаҳар худудидан ташқарига олиб кетаётганларида ушланадилар.

Хайрият, ўз вақтида қотилликнинг олди олинди. Аслида яшашдан умидини узган, аммо тасодифан тирик қолган аёлнинг қувончи бир олам. Унга бу қувончни Фарғона шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Мақсуд Мукаррамов, ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Ёркин Пирматов, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 3-отряди ходимлари катта сержантлари Акбаржон Маҳмудов, Йўлчихўжа Сайнаев, сержант Абдукарим Мадумаровлар ҳада этишди.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

# БОШИ ТОШГА ТЕГСА ҲАМ...

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Юқори Таллашқон" маҳалласида яшовчи Ботир Алиев 34 ёшга кирганига қарамай уч марта судланган. Ўғирлик, талончилик, гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиш. Ҳатто унга нисбатан инсонпарварлик ғамхўрлиги кўрсатилиб, жиноий жазонинг бир қисми енгиллаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган. Бирок, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

Сўнгги бор жазони ўтаб бўлгач, ота-онаси, қариндош-уруғлари энди тўғри йўлни танлашни ўтиниб сўрашди, унга имкон қадар ёрдам беришди ҳам. Афсуски, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Ботирбойнинг "ботир"лиги тутиб, ярим тунда Термиз шаҳрига келди ва Аҳмад Дониш кўчасида яшовчи Холлисхон Тўхтасинованинг ҳовлисидаги "Урал" русумли велосипедни ўғирлаб кетди. Нархи 70 минг сўмдан



ортик турадиган велосипедни шаҳарнинг марказий бозорида 12000 сўмга пуллаб юборди.

Орадан 15 кун ўтгач Ботир Алиев "бекор юришдан" зерикдимми яна эски касали кўзгаб қолди. Ҳамтовоғи билан ҳам маҳалласи Файрат Бердиевнинг бир бош ҳўкизини ўғирлаб, Жарқўрғон туманидаги мол бозорига етаклади. Мол бозорида Файрат Бердиев ҳўкизини ўғирлаганлар билан тўқнашиб қолдилар. Шунда ўғирлар арқонни ташлаб қочишга уриндилар. Аммо "бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганларидек, Ботирбой қўлга тушди. Терговда мол ўғриси айби тўлиқ бўйнига олди. Суд уни олти йилга озодликдан маҳрум этди.

Эркин ТўЛЯЕВ.

# ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРДИМИ?...

Энвер Вилияев бир неча йилдан буён Чирчикдаги касбухона коллежларидан бирида ўқув ишлари бўйича раҳбар муовини лавозимида хизмат қилиб келарди. Шу давр мобайнида у ўқувчи ва ўқитувчилар орасида ўзига яраша обрў-эътибор қозонди. Аммо...

Шу йил апрель ойининг охирида коллеж ўқувчиси Б. Обидов Э. Вилияевнинг ҳузурига кириб, оилавий шароитини кўра,

уни сиртқи бўлимга ўтишга рухсат сўради. Энвер талабанинг муаммосини ҳал этиш ўрнига шайтоннинг йўлига кирди. Ўқувчини сиртқи бўлимнинг электр ускуналар ишлаб чиқариш гуруҳига расмийлаштириш учун оз эмас, кўп эмас, нақд 200 минг сўм "хизмат ҳақи" сўради. Ўзи шундоқ ҳам етишмовчилик туфайли ўқишини сиртқига ўтказиб, бирон жойга ишга кириб, оиласига ёрдам бериш илинжида юрган Б. Обидов ҳақиқат қидириб,

ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига борди.

Тошкент вилояти ИИБ тегишли хизмат ходимлари Э. Вилияевни хизмат хонасида пора олаётганида қўлга олишди. Энвернинг боши эгилиб, суднинг қора курсисига ўтирди. Ҳукм ўқилди.

Э. Вилияев ўзи ўқитувчи бўла туриб, шундай юксак номга доғ туширди. Энди у таниш-билишлари, талабалари юзига қандай қарар экан?

Икром ҚУРБОНАЛИЕВ, капитан.

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### ● ОНАСИГА ТИГ САНЧДИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи М. Руслан мастликда онаси М. Татьяна билан жанжаллашиб қолди. Фазаб отига минган ўғил онасининг кўкрагига пичоқ санчиб, унинг бошига етди.

### ● ШИФОКОРМИ Ё ҚАССОБ?

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида яшовчи, Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиали бўлим бошлиғи Н. Ойсулу ўзаро жанжал оқибатида кўшниси, 60 ёшли Ҳожи Нуруллаевни бошини болта билан чопиб, ҳаётига зомин бўлди.

### ● МОЛ ЎҒРИЛАРИ ТОПИЛДИ

Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида яшовчи Ф. Мамасолиевнинг уйдан беш бош қорамоли ўғирлаб кетилган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган Пахтаобод шаҳрида яшовчи 25 ёшли Бурхон ва 1985 йилда туғилган Нодир исмли шахслар қўлга олинди.

### ● СИРЛИ ЖИНОЯТ

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида яшовчи О. Қодировга тегишли «Тико» «Фарғона-Марғилон» йўлидаги кўприк тагидан қаровсиз ҳолда топилган эди. Суриштирув давомида автомашина О. Қодировнинг ўғли томонидан ҳайдаб чиқиб кетилганлиги маълум бўлди. Кўп ўтмай 1975 йилда туғилган Шерзод Қодировнинг жасади Охунбобоев туманидаги Сармозор қишлоғидан оқиб ўтувчи ариқдан чиқди.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Марғилон шаҳрида яшовчи Абдуқаҳҳор содир этгани маълум бўлди.

### ● ЁШЛИКМИ ЁКИ БЕБОШЛИК?

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги "Тўрткўл" блок-постида хизмат қилаётган ИИБ ходимлари яқинлашиб келаётган "Нексия" автомашинасини текшириш учун тўхтатишди. Бирок ҳайдовчи ва унинг ёнидаги йўловчи бирданига машинани ташлаб қочишди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу масалага ойдинлик киритилди. Автомашина кўздан кечирилганда унда қон доғлари борлиги маълум бўлган эди. Гарчи "Нексия" Фарғона шаҳрида яшовчи М. Измайловага тегишли бўлса-да, уни шу шаҳарлик 1967 йилда туғилган В. Мирзаев ишонч қоғози билан кира қилиш мақсадида ҳайдаб кетган экан. Унинг бўғилган ҳамда тана қисмининг бир неча жойларига ўткир тиг билан етказилган жароҳатли жасади эса Беруний тумани, "Беруний-Бўстон" йўлининг 38-километридаги ариқ ичидан топилди. Узоққа қочиш кета олмаган талончи қотиллар қўлга олинди. Улар лицей-интернат талабалари бўлмиш 18 ёшли С. ва Ф. лар экан.

### ● НАЗОРАТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида яшовчи М. Мирзамаҳмудовнинг сомонхонасида ёнғин содир бўлди. Гарчи аланга қисқа фурсатда ўчирилган бўлса-да, унинг оқибати аянчли тугади. Уй эгасининг тўрт ва беш яшарли набиралари олов домида қолишди. Назоратсиз қолган гўдаклар гугурт ўйнаган экан.

### ● "ҚОРАДОРИ-2005"

Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Қорадори-2005" тадбирининг иккинчи босқичи бошланди.

Республикамиз худудида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш мазкур тадбирнинг асосий йўналишидир. Бу ишга ички ишлар ходимларидан ташқари кенг жамоатчилик ҳам жалб этилиб, иш режа асосида олиб борилмоқда.

ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг наркотик моддаларни ғайриқонуний айланишига қарши кураш хизмати ходимлари вертолётлар ёрдамида ўтказаетган рейдлари давомида юқорида қайд этилган қонунбузарликларни содир этаётган бир қанча шахслар аниқланди. Мисол учун Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Гултепа қишлоғида яшовчи Абдувоҳид Нишоннов хонадомида 10 туп, шу туманининг Оқтепа қишлоғида яшовчи Иброҳим ва Элибой Жўраевларнинг томорқасида эса жами 65 туп наша ўсимлиги борлиги аниқланди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Ургут тумани «Янгиариқ» ширкат хўжалигида яшовчи Кумуш Муродовага тегишли томорқадаги маккажўхоризор орасида 5 квадрат метр майдонда, ушбу туманининг Жазмон қишлоғида яшовчи Тайлан Султанов 50 кв. м. майдонда шу каби ўсимлик ўстиришгани фош этилди. Экинлар йўқ қилинди.

Бу каби ҳолатларга кескин чек қўйиш учун маҳалла фаоллари ҳам жиддий ёндашсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.


Исмомил МИНОВАРОВ,  
Республика ИИБ матбуот маркази ходими,  
майор.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Зангиота тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Ё. Маматовга падари бузруквори

МЕҲМОНАЛИ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙХХБ катта муҳандиси, майор Ж. Ўтаевга падари бузруквори

ЭШПҲЛАТ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



МАФТУНКОР ТАБИАТ.

Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

## ХАНДАЛАР

Кайфи роса тарок киши ярим тунда мехмонхонанинг биринчи қаватида туриб овозининг борича бақиряпти:

– Бу қанақаси? Лифтларинг ишлайдими – йўқми?

**Маъмур:**  
– **Жаноб, лифтимиз ишлайди. Фақат сиз унга бориш учун аввал телефон будкасида чиқишингиз керак.**

Бир ўсмир кўчада чекаяпти. Ёнидан ўтиб кетаётган жувон дашном беряпти:

– Нега чекаяпсан? Бу “хунар”ингни ота-онанг биладими?

Ўсмир оғзидан сигаретини олмай савол берди:  
– Бегона эркакларга тегажқлик қилишингизни эрингиз биладими?

Тошматвой (йўловчи машинани тўхтатиб):

– Амаки, 18-мактабга обориб қўймайсизми?

Хайдовчи:

– Мен бошқа ёққа кетаяпман.

Тошматвой (машинага ўтириб):

– Унда янаям соз.

– **Нега ҳалигача уйланмадинг?**

– **Топган қизларим онамга ёқмаяпти.**

– **Сен онамга ўхшаганидан топ. Шунда ҳамма иш хамирдан қил суғургандек кетади.**

– **Ўшанақасини топувдим, аммо у отамга ёқмади.**

## КРОССВОРД

**ЭНИГА:** 7. Қалъада қўшин бошлиғи. 8. Емирилмайдиган, маҳкам. 12. Моҳир гимнастикачи. 13. Само жисми, думли юлдуз. 14. Табобат мутахассиси. 18. Олий табақа футбол жамоаси. 20. Тиниш белги. 21. Оғирлик ўлчови бирлиги. 22. Иссиқ ва қуруқ шамол. 23. Қамишсимон тропик ўсимлик. 27. Ўқ узишдаги мўлжал. 28. Америка адиби, “Сўнгги могокан” асари муаллифи. 29. Матни кўпайтириш асбоби тури. 32. Ер шарининг иссиқ минтақаси. 35. Бирор асарга ўхшатма тарзида ёзилган асар. 37. Тамаки таркибидаги модда. 39. Қадимги Римда – цирк майдонида кураш тушишга тайёрланган қул. 40. Лолладошларга мансуб, шифобахш жануб ўсимлиги.


**БЎЙИГА:** 1. Бирор нарсанинг таркибий қисми. 2. Маълумот тўплаш мақсадидаги савол-жавоб

варақаси. 3. Табиий маъдан тури. 4. Портловчи модда қисми. 5. Танаси қаттиқ дарахт. 6. Ҳаво шари билан ўгириладиган метеорологик маълумотлар олиш асбоби. 10. Маймун тури. 15. Моторсиз транспорт. 16. Бир-бирига яқин денгиз ороллари. 17. “Алпомиш” дostonи қахрамони. 19. Пойафзал билан савдо қилувчи дўкондор. 24. Англия футбол жамоаси. 25. Дам олиш маскани. 26. Қаттиқ жинслар аралашмасини бир-биридан ажратадиган қурилма. 30. Пойтахт вилояти шаҳри. 31. Вазифани бажаришда амал қилинадиган қонун-қоида. 33. Жазоир пул бирлиги. 34. Тўшма, уй жиҳози.

**ЁЙЛАР БЎЙИЧА:** 9. Қарам, ито-актор. 11. Куч ўлчови бирлиги. 36. Насихат, ўғит. 38. Яман пойтахти.

Фозилжон ОРИПОВ тузди

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ  
Раҳимова. Умеш. Шар. Сметана. Мангуст. Оҳангарон. Адл. Ва. “Алпомиш”. Шод. Нури. Рол. Аваз. Отин. Оят. Ротару. Ор. Дўл. Сатр. “Нива”. Асперин. Сар. Вофуруш. Шояд. Ле. Ар. Тонна. Азов. До. Шон. Шўртан. Коса. Зирак. Кошин. Ориф. Жўра. Ёй. Аттор. Вужуд. Ёт. Он. Жиш. Леонов. Най Телевизор. Пул. Чили. Кулча. Кор. Париваш. Дока. Тўлдирувчи.



## «ПОСТДА» АНКЕТАСИ

### ГАЗЕТА ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ?

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Барча жабҳаларда бўлгани сингари, ички ишлар идораларида ҳам ислохотлар ўтказилляпти. Юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар ходимлари фидойилик кўрсатишляпти. Таҳририят ижодий жамоаси олдида уларнинг фаолияти, бурч ва вазифаларини қандай бажараётганликларини атрофлича ёритиш вазифаси турибди. Бунда, албатта, Сиз, азиз муштарийларнинг фикр-мулоҳазаларингизга муштоқмиз.

Шуни инобатга олиб эътиборингизга “Постда” анкетасини ҳавола этаёلمиз. Сизлардан илтимос, таҳририятга газетамизнинг савияси тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни, уни яхшилаш борасидаги таклифларингизни ёзиб юборинг.

Азиз муштарийлар, қуйидаги анкета саволларига жавобларингизни кутиб қоламиз.

1. Газетамизнинг ранг-баранг ва қизиқарли бўлиши учун қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?

2. Ички ишлар идоралари ва ходимлари фаолиятини ёритишда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор беришимизни хоҳлардингиз?

3. Қандай янги саҳифалар ва рунклар ташкил этишимизни маслаҳат берасиз?

4. Газетанинг мазмун-мундарижасидаги камчиликларни санаб ўтсангиз.

5. Газетанинг дизайни, яъни безатилиши ҳақида фикрингиз?

**ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI IIV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1



Bosh muharrir  
**Aziz ERNAZAROV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari  
**Murod  
TILLAEV**  
Mas'ul kotib  
**Rahmatilla  
BERDIYEV**

Navbatchi  
**Sadriddin  
SHAMSIDDINOV**  
Sahifalovchi  
**Zokir  
BOLTAYEV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 132-24-60.  
Kotibiyat 139-73-88.  
Muxbirlar 59-27-15.  
139-77-23.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA  
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001637.  
Bosilish — ofset usulida.

● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart  
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.  
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqti — 23.00.  
Bosishga topshirildi — 23.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.  
Ⓜ — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.

Hajmi — 6 bosma taboq.  
52698 nusxada chop etildi.